

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

38-сон
(902)
2019 йил
23 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

693. «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–568-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

694. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПФ–5821-сон Фармони

695. ««Чироқчи» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 сентябрдаги ПФ–5825-сон Фармони

696. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 сентябрдаги ПФ-5831-сон Фармони
697. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармонида қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги ПФ-5833-сон Фармони
698. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори
699. «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарори
700. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги ПҚ-4461-сон қарори

Учинчи бўлим

701. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори
702. «Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарори
703. «Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сон қарори

Бешинчи бўлим

704. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 19 август-

даги 10-мх, 8 қ/қ, 41 қ/қ, 5-2019, 32, 25 қ/қ, 35-2019-қ/қ-сон «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3182*)

705. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 30 августдаги 440-сон «Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2119-1*)
706. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 403-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955-1*)
707. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 404-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1149-8*)
708. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 405-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1462-2*)
709. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 406-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1722-1*)
710. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 17 сентябрдаги 408-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2393-1*)
711. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматдаги тангалари ва банкнотларини муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-*

зирлиги томонидан 2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3183)

712. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 4 сентябрдаги 37-2019-Б-сон «Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180-1)*)
713. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 10 сентябрдаги 2019-53-сон «Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3136-1)*)
714. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 18 сентябрдаги 413-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2586-1)*)
715. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 11 сентябрдаги 01-02/12-51-сон «Божхона назорати зоналарини ташкил этиш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 470-4)*)
716. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 сентябрдаги 39-2019-Б-сон «Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-2)*)
717. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 31 августдаги 12ққ, 70-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар органлари ва тузилмалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3184)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 14 сентябрдан 20 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

693 Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 13 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 сентябрда
маъқулланган

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ-568-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

694 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 сентябрь,
ПФ-5821-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги
ПФ–5821-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–4209-сон Фармониغا 1-илованинг 3-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ–4635-сон Фармониغا илованинг 5-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ–5040-сон Фармониغا илованинг 4-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5159-сон Фармониغا 1-илованинг 4-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5456-сон Фармониغا 1-илованинг 27-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**695 «Чироқчи» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш
тўғрисида***

Қашқадарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятини комплекс ривожлантириш, минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологик ва экспортбop маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда шу асосда вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда ҳудуд аҳолиси фаровонлигини ошириш мақсадида:

1. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида «Чироқчи» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Чироқчи» ЭИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Чироқчи» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб этилаётган ва импорт ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зона иштирокчилари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлашни чуқурлаштириш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш;

логистика хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, саноат соҳасидаги ишлаб чиқариш субъектларига улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда қўмаклашиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш ва уларнинг хулосала-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

ри халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Чироқчи» ЭИЗнинг соҳа кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш, шу жумладан уларнинг «Чироқчи» ЭИЗда жойлашган ҳудуддаги ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташида қатнашиш.

3. Белгилансинки:

«Чироқчи» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Чироқчи» ЭИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиботлари амал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари «Чироқчи» ЭИЗ иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

4. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг:

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ДУКни «Чироқчи» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУКни «Чироқчи» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари ҳудудидан «Чироқчи» ЭИЗнинг чегараларини аниқлаш, уларни келгусида кенгайтириш ва «Чироқчи» ЭИЗ фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин;

уч ой муддатда «Чироқчи» ЭИЗнинг бош режаси ишлаб чиқилишини ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Транспорт вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Чироқчи» ЭИЗ иштирокчиларига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш учун логистика марказларини ҳамда божхона постини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Божхона органлари ўз фаолиятини эркин иқтисодий зона дирекцияси ва логистика марказлари биноларидаги алоҳида ажратилган хоналарда ижара тўловларисиз олиб боришлари инобатга олинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Қашқадарё вилоятининг мавжуд минерал хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда, импорт таркибини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида «Чироқчи» ЭИЗ ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари ишлаб чиқариш ташкилотларини жойлаштириш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилиб, тасдиқланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Чироқчи» ЭИЗ ҳудудида ер ости сув захиралари мавжудлигини ўрганиб чиқиб, ундан самарали фойдаланиш бўйича таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ «Чироқчи» ЭИЗ ҳудудини, шунингдек, унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш майдонларини ташқи йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан кафолатли таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги:

Курилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Чироқчи» ЭИЗ ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йиллар учун Инвестиция дастурини шакллантиришда «Чироқчи» ЭИЗнинг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаси асосида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг буюртмаларига кўра «Чироқчи» ЭИЗда амалга ошириладиган лойиҳаларни ташкил этиш бўйича ишга жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун Ўзбекистон Республикасига кўп марталик кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Чироқчи» ЭИЗда амалга ошириладиган лойиҳаларни ташкил этиш бўйича ишга жалб

қилинадиган хорижий мутахассисларнинг яшаш жойи бўйича ҳисобга олиниши ҳамда унинг муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 сентябрь,
ПФ-5825-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**696 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш,
шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги ПҚ-4426-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5147-сон Фармонига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Белгилансинки, 1-илонинг 1-банди, 2-бандининг «б» кичик банди, 5, 6 ва 9-бандлари 2020 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2020 йил 1 январдан 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 сентябрь,
ПФ–5831-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 18 сентябрдаги
ПФ–5831-сон Фармони
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси
фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ПФ–5147-сон Фармонида киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1 ва 2-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. 3-бандда:
 - а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тузилмаси ва штат жадвали 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ»;
 - б) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
3. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«4. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бошқарув ходимларининг умумий сони 81 нафар миқдорда белгилансин».
4. 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
5. Қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:
«5¹. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимларига лавозим маошларига нисбатан қуйидаги коэффициентлар қўлланилган ҳолда ҳар ойлик устамалар белгилансин:
конун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган алоҳида меҳнат шароитлари учун 0,2 миқдорда;
узоқ муддатли узлуксиз иш стажи учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходимлари учун белгиланган миқдорларда».
6. 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
7. 1-илованинг* матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* 1-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Қуйидаги мазмундаги 1а-илова* билан тўлдирилсин:
9. 3-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 18 сентябрдаги
ПФ–5831-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
1 январдан ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган
айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–3587-сон Фармониغا илованинг 4-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–4631-сон Фармониغا илованинг 29-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5306-сон Фармониغا 1-илованинг 2-банди «в» кичик банди ва 3-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги «Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5565-сон Фармониغا 2-илованинг 1, 4, 5 ва 8-бандлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–460-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–1539-сон қарори.

* 1а-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**697** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5611-сон Фармонига қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5635-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ–5611-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифаларини жорий этиш рўйхати қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:

«6. **«Investment visa»** — хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8 500 бараварида ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга расмийлаштириладиган, ушбу корхоналарнинг буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан муддатини узайтириш имконияти билан бериладиган, амал қилиш муддати уч йилгача бўлган қўп марталик инвестиция визаси.

Бунда, инвесторнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари)га «Investment visa» амал қилиш муддатига мос равишда меҳмон визаси республикадан чиқмасдан туриб узайтириш ҳуқуқи билан расмийлаштириб берилади».

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 сентябрь,
ПФ–5833-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**698 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий
хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини Ватанига содиқ, ҳарбий хизматга ҳар томонлама тайёр бўлган фуқаролар билан бутлаш, улар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва шароитларини, қўшинларнинг давлатнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доимий жанговар шайлигини таъминлаш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги янгиланган низом 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлиги хизмати Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда:

уч ой муддатда қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 сентябрь,
ПҚ-4447-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги
ПҚ-4447-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПҚ-257-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сон қарорига 31-илованинг 1-банди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ПҚ-3537-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПҚ-4076-сон қарорининг 2-банди ва 2-иловаси.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

699 Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда республикада енгил саноатнинг тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортименти кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

Кўрилган чора-тадбирлар республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 80 фоиздан кўпроғини ва ип калаванинг 45 фоиздан кўпроғини қайта ишлаш бўйича қувватларни яратиш, шунингдек, 2018 йилда тайёр маҳсулот экспорт ҳажмини 1,6 миллиард АҚШ доллариға етказиш имконини берди.

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун берилган имтиёзлар ва преференциялар маҳаллий тайёр чарм ишлаб чиқариш ҳажмини 6 фоизга ва краст босқичидаги чарм ишлаб чиқариш ҳажмини 44 фоизга ошириш имконини яратди.

Шу билан бирга жаҳон бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, технологияларнинг ривожланиши ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг камайтирилиши ушбу соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини талаб этмоқда.

Енгил саноатнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали биринчи навбатда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кенгайтириш, шунингдек, салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

2019-2020 йилларда енгил саноатнинг тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» ва «Ўзчармсаноат» уюшмалари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган мақсадли параметрларнинг бажарилишини сўзсиз таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳалари рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ярим тайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 4106 21 000 0 кодлари) олиб чиқишда 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

б) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали пахта ип-калаваларини (ТИФ ТН бўйича 5205, 5206, 5207 кодлари) олиб чиқишда 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб экспорт қилинадиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади;

в) мазкур банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган маблағларнинг 75 фоизи

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг алоҳида банк ҳисобрақамига қўйидагилар учун йўналтирилади:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоқлари корхоналарида халқаро стандартларни жорий этиш, тайёр маҳсулотларни ташқи бозорлар талабларини ҳисобга олган ҳолда сертификатлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

тармоқ корхоналарининг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиш, миллий брендларни яратиш ва илгари суриш билан боғлиқ харажатларини қоплаш;

илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жумладан уларни хорижга ўқиш учун юбориш;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг ижро этувчи аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, Уюшманинг хорижий ваколатхоналарини сақлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш харажатларини компенсация қилиш;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадлар.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу банднинг «в» кичик бандида кўрсатилган маблағлар бўйича даромадларни шакллантириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин ҳамда унда ҳар йили даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланишини, шунингдек, ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан назорат олиб борилишини назарда тутсин.

3. 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ҳисобот даври натижалари бўйича ялпи тушумнинг умумий ҳажмида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти 60 фоиздан кам бўлмаган экспорт улушига эга бўлган корхоналар 2023 йил 1 январга қадар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади;

тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари корхоналарининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базаси етти йил давомида тенг улушларда замонавий тозалаш ва канализация иншоотларини қуриш бўйича харажатлар суммасига камайтирилади;

чорва молларини сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган мажмуаларни ишга тушираётган ташкилотлар ва терини қайта ишловчи корхоналар 2023 йил 1 январга қадар ер солиғи тўлашдан озод этилади;

«Ўзтўқимачиликсаноат» ва «Ўзчармсаноат» уюшмаларининг хорижий консультантлари, шунингдек, тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари корхоналарида меҳнат фаолиятини юритаётган хорижий мутахассислар Ўзбекистон Республикасидаги даромад манбалари

бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини унинг белгиланган ставкасидан 50 фоиз миқдорида тўлайди.

4. Белгилансинки, «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан 2018 — 2020 йиллар ҳосилидан пахта толасини маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдоларида миллий валютага сотиш маҳсулот юклаб жўнатилган кундан 90 кун мобайнида якуний ҳисоб-китоб қилган ҳолда 35 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

5. «Ўзпахтасаноат» АЖга пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига сотиш назарда тутилган пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов масканларининг баҳолаш қийматидан қўйидаги чегирмаларни тақдим этиш масаласида пахта тозалаш заводларининг бошқарув органларида ташаббус билан чиқиш тавсия этилсин:

бир йил мобайнида тўланганда — 50 фоиз миқдорида;

икки йил мобайнида тўланганда — 40 фоиз миқдорида;

уч йил мобайнида тўланганда — 30 фоиз миқдорида.

Бунда пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов масканларининг чегирмаларни ҳисобга олган ҳолдаги баҳоси уларнинг баланс қийматидан паст бўлиши мумкин эмас.

6. Белгилансинки:

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларининг пахта хом ашёсини етиштириш бўйича харажатларини молиялаштириш учун 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар фақат 11 ой ўтганидан сўнг қайтарилади, ҳар бир транш учун қайтариш муддатини ҳисоблаш эса пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига маблағлар келиб тушган пайдан бошланади. Худди шундай тартиб тижорат банклари томонидан Жамғарма кредит ресурсларини қайтаришда ҳам қўлланилади;

пахта уруғлик чигитини ишлаб чиқариш пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластери доирасида ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилаётган пахта толасини сертификатлаш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

7. Тижорат банкларига пахта хом ашёсини етиштириш ва йиғиб олишни молиялаштириш учун валюта кредит линиялари жалб қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси келгуси йил учун пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлари бўйича жойлаштиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарорлари олдинги йилнинг 1 октябрдан кечиктирмасдан қабул қилинишини таъминласин.

9. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги Ўзбекистон-Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопарки белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб кирадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, бутловчи қисмлар,

деталлар, узеллар, технологик хужжатлар, дастурий таъминотлар учун 2023 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

Тошкент вилояти эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши бир ой муддатда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги Ўзбекистон-Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопаркиннинг буюртманомаларига биноан «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари корхоналарида замонавий тозалаш иншоотлари қуришни ва мавжудларини модернизация қилишни молиялаштириш учун донор мамлакатлар, халқаро ҳамда хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар банк тузилмаларининг техник қўмак маблағларини (грантларини) жалб этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма майдончасини ташкил қилиш учун Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 44-б уй манзилида жойлашган уч қаватли бинони унга туташ ҳудуди билан баланс қийматида топширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 октябрдаги «Тўқимачилик саноати хом ашё базасини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3314-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Ғуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 сентябрь,
ПҚ-4453-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги
ПҚ-4453-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарорининг 10-банди тўртинчи хатбошидаги «чарм-пойабзал» сўзлари «пойабзал» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги Ф-5302-сон фармойиши билан тасдиқланган 2020 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона хужжатларини расмийлаштириш бундан мустасно) озод қилинган «Termiz-tezkor-qurilish» ХК, «Fayz Binokor Oltiariq» ХК, «Shashmoxkashob» агрофирмаси, «Janub tekstil» МЧЖ, «Surxon teks» МЧЖ, «Amudar Textile» МЧЖ, «Norteks Style» МЧЖ, «Sherobod Textile Invest» МЧЖ ва «Surxon sifat tekstil» МЧЖлар томонидан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, техника, қурилиш материаллари рўйхатининг рус тилидаги матни «Агрофирма «Shashmoxkashob» бўлими 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	1. Система электроподключения устройств для прядильной фабрики (Electrical connection system for spinning mill equipments) Трансформатор 3150 KVA 10.5/0.4KV (сухого типа) (Transformer 3150 KVA 10.5/0.4 KV (dry type), Шинопроводная система (Bus bar system) Система кабельных каналов (Electrical cables systems) Электрокабели (Electrical cables) Электрощиты 0,4 кв (Electrical panels 0.4 KVA) Система освещения (включающая лампочки, фиксаторы и пр.) (The lighting system (complete with LED lamps, lighting fixtures, etc.)	8504340000	комплект	1	».
---	--	------------	----------	---	----

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви

органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 62¹-банд билан тўлдирилсин:

«62¹. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 февралдаги «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 106-сон қарорида:

5-банднинг бешинчи хатбошидаги «2018 йилги ҳосил» сўзлари «2018 — 2020 йиллардаги ҳосил» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 14-банди тўртинчи хатбошидаги «2018 йилги ҳосил» сўзлари «2018 — 2020 йиллардаги ҳосил» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

700 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5718-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, Сурхондарё вилоятида олиб борилаётган геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 сентябрь,
ПҚ–4461-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги
ПҚ-4461-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2691-сон қарорига 1-иловада:

а) «Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи» блокада:

«етақчи мутахассис — 1» сўзлари чиқариб ташлансин;

«3» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин;

б) изоҳдаги «54 — 59» рақами «53 — 58» рақами билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомада:

а) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибиятининг юридик маълумотга эга бўлган ходимларига татбиқ этилмайди»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг «б» кичик бандида:

учинчи хатбошидаги «Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси» сўзлари «Юридик таъминлаш бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти мудирига берилади»;

в) 4¹-банднинг «в» кичик банди «ва унинг аппарати мутахассисларига» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти мудир, шунингдек, мазкур Котибият ходимларига» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги «Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3050-сон қарорига илованинг рус тилидаги матнида:

а) «Группа по развитию предпринимательства и деловой среды, оказания содействия и поддержки экспорта» блокада:

«ведущий специалист — 1» сўзлари исхулудидан;

«3» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин;

б) исхулудидан «59» рақами «58» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3430-сон қарорига 3-иловада:

«Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш хизматларини кўрсатиш бўлими (шўъбаси) 1 — 10» блокадаги «10» рақами «9» рақами билан алмаштирилсин;

исхулудидан «18», «15» ва «1 750» рақамлари тегишинча «17», «14» ва «1 550» рақамлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон қарорига 4-илова «Ҳисоргеология» ДК» блокидан кейин «Сурхонгеология» ДК» блоки билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сон қарори 15-бандининг биринчи хатбошидаги «11 880» рақами «11 666» рақами билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги «Тошкент вилоятининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3987-сон қарорига иловада:

а) «Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи» блокада:

«етакчи мутахассис — 1» сўзлари чиқариб ташлансин;

«3» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин;

б) исхулудидан «69» рақами «68» рақами билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4105-сон қарорида:

а) 6-иловада:

«Саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўлими 10» блокадаги «10» рақами «9» рақами билан алмаштирилсин;

исхулудидан «55» рақами «54» рақами билан алмаштирилсин;

б) 6а-иловада:

«Саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўлими 5 — 10*» блокадаги «5 — 10» рақамлари «4 — 9» рақамлари билан алмаштирилсин;

исхулудидан «41 — 55» рақамлари «40 — 54» рақамлари билан алмаштирилсин;

в) 7-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қорақалпоғистон Республикаси
Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар
иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари
ходимларининг умумий
ЧЕКЛАНГАН СОНИ**

Тоифалар бўйича ҳудудлар номи	Ходимларнинг чекланган сони (бирликда)
I тоифадаги ҳудудлар	
Қорақалпоғистон Республикаси	54
Андижон вилояти	54
Қашқадарё вилояти	54
Самарқанд вилояти	54
Тошкент вилояти	54
Фарғона вилояти	54
II тоифадаги ҳудудлар	
Бухоро вилояти	46
Навоний вилояти	46
Наманган вилояти	46
Сурхондарё вилояти	46
Хоразм вилояти	46
III тоифадаги ҳудудлар	
Жиззах вилояти	40
Сирдарё вилояти	40

».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

701 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида мобил қурилмаларни ҳисобга олиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 22 октябрдаги 847-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби ва шартларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмалар мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимида:

2019 йил 1 ноябргача — уларни автоматик тарзда мобил алоқа операторлари тармоқларига улаш (активлаштириш) орқали бепул асосда;

2019 йил 1 ноябрдан — Низомга мувофиқ жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимида мурожаат қилиши орқали бепул асосда;

2019 йил 1 декабрдан — Низомга мувофиқ жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимида мурожаат қилиши орқали пулли асосда рўйхатга олинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази жис-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

моний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш мақсадида мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизими операторининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида битим тузилишини ҳамда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар билан автоматик тарзда алмашиш учун уларнинг электрон тизимларига уланишини бир ой муддатда таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Транспорт вазирлиги билан биргаликда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда, ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини аҳоли, туристлар ва республика меҳмонлари ўртасида кенг ёритиб борилишини тизимли асосда ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Телекоммуникациялар, ИТ-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
778-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган,
сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб қириладиган ва
ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга
олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб қириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил телефонлар ҳамда мобил алоқа модулига эга қурилмаларни (кейин ўринларда мобил қурилмалар деб аталади) рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

GSMA (Global System for Mobile Communication Association) — GSM халқаро уюшмаси. Ишлаб чиқарувчини ва мобил қурилмалар моделини идентификациялаш имконини берадиган IMEI-кодлар рўйхатларини шакллантирадиган ташкилот;

IMEI (International Mobile Equipment Identifier) ёки халқаро ўзига хос идентификация коди (кейинги ўринларда IMEI-код деб аталади) — 15 рақамдан иборат бўлган ва GSMA томонидан ажратиладиган, шунингдек, тармоқда GSM/UMTS/LTE стандартидаги мобил алоқа операторини идентификацияловчи серия рақами (IMEI-код SIM-карталар ишлашини таъминловчи барча мобил қурилмаларда мавжуд бўлиб, SIM-картанинг ҳар бир слотига алоҳида берилади. Агар мобил қурилмада SIM-карталарнинг икки ёки ундан кўп слотлари мавжуд бўлса, ушбу мобил қурилма икки ёки ундан ортиқ IMEI-кодларга ҳам эга бўлади);

MSISDN (Mobile Station Integrated Services Digital Network) — GSM/UMTS стандартларида алоқа учун хизматлар интеграциялаштирилган рақамли тармоқ мобил абонентининг рақами (масалан, +998 XX-XXX-XX-XX);

SIM-карта — ичига микросхема ўрнатилган идентификациялаш модули бўлиб, унинг ёрдамида абонент қурилмасини идентификациялаш, мобил алоқа тармоғида ундан фойдаланиш, шунингдек, GSM тармоғида абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш таъминланади;

SMS (Short Message Service) — мобил қурилма ёрдамида қисқа матнли хабарларни қабул қилиш ва узатиш имконини берадиган технология;

USSD (Unstructured Supplementary Service Data) — қисқа хабарларни узатиш режимида тармоқ абоненти ва сервис илова ўртасида интерактив ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш имконини берадиган GSM тармоқларидаги стандарт сервис;

абонент — мобил алоқа оператори билан мобил алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахс;

импорт қилувчи — мобил қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун олиб кирадиган тадбиркорлик субъекти;

IMEI-кодлар маълумотлар базаси — Тизим рўйхатга олувчилари, мобил алоқа операторлари, импорт қилувчилар, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жисмоний шахслар тақдим этадиган маълумотлар асосида Тизим оператори томонидан шакллантириладиган база. IMEI-кодлар маълумотлар базаси мобил қурилмалар IMEI-кодларининг оқ рўйхати, қора рўйхати, кул ранг рўйхати ва боғланган оқ рўйхатидан иборат;

оқ рўйхат — мобил қурилмалар IMEI-кодларининг рўйхати бўлиб, улар:

2019 йил 1 ноябргача бўлган даврда мобил алоқа операторларининг тармоқларига уларни улаш (активлаштириш) орқали автоматик режимда рўйхатга олинган;

ушбу Низомга мувофиқ рўйхатга олинган бўлади.

Оқ рўйхатга киритилган мобил қурилмаларга мобил алоқа хизматларидан мобил алоқа оператори билан тузилган шартномага ва амалдаги тарифга кўра белгиланган тартибда фойдаланишга рухсат берилади;

қора рўйхат — ушбу Низомда назарда тутилган тартибда рўйхатга олинмаган мобил қурилмалар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ахборотида кўра йўқотилган ва ўғирланган мобил қурилмалар IMEI-кодларининг рўйхати ва мобил қурилмаларнинг клонланган ҳамда аниқланмаган IMEI-кодлар.

Қора рўйхатга киритилган мобил қурилмаларнинг абонентга қора рўйхатга киритилганлиги сабаби тўғрисида SMS-хабарномани юборган ҳолда, мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш чекланади (бир вақтнинг ўзида боғланган оқ рўйхатда бўлган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари бундан мустасно).

Мобил алоқа хизматларидан фойдаланишни чеклаш деганда ушбу мобил қурилма орқали исталган телекоммуникация хизматини олиш имконияти йўқлиги назарда тутилади;

кул ранг рўйхат — оқ ёки қора рўйхатларга киритилмаган, аммо мобил алоқа операторининг тармоғида биринчи тармоқ ҳодисаси пайтидан бошлаб 30 календарь кунидан кўп бўлмаган муддатга мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари рўйхати;

боғланган оқ рўйхат — мобил қурилмалар IMEI-кодларининг рўйхати бўлиб, улар:

клонланган ёки аниқланмаган, аммо 2019 йилнинг 1 ноябригача бўлган даврда IMEI-кодни абонентнинг телефон рақами билан боғлаган ҳолда автоматик равишда рўйхатга олинган бўлади (IMEI — MSISDN);

GSMA талабларига жавоб берадиган, бошқа қурилма билан биргаликда IMEI-кодлар маълумотлар базасига киритилган IMEI-кодли янги мобил

қурилма ҳисобланади ва IMEI-коднинг клонланганлиги аниқлангунига қадар абонент томонидан Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчисига келиб, мобил қурилма ҳужжатларини IMEI-код ҳамда абонент телефон рақами билан биргаликда (IMEI — MSISDN) тақдим этилади.

Боғланган оқ рўйхатдаги IMEI-кодли мобил қурилмалардан фақат абонентларнинг боғланган мобил рақамлари томонидан фойдаланилади (IMEI — MSISDN);

мобил қурилма ҳужжатлари — техник паспорт, кафолат талони, мобил қурилма қутиси ёки аризада кўрсатилган мобил қурилманинг IMEI-коди рўйхатга олинадиган мобил қурилма IMEI-кодига мос келишини исботлаш учун асос бўлувчи бошқа ҳужжат;

клонланган IMEI-код — GSMА томонидан белгиланган бошқа мобил қурилма IMEI-кодининг белгилари ва рамзларини тўлиқ қайтарувчи мобил қурилманинг IMEI-коди;

мобил қурилмалар — мобил алоқа модулига эга бўлган мобил телефонлар ва қурилмалар;

аниқланмаган IMEI-код — GSMА томонидан белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мобил қурилманинг IMEI-коди;

мобил алоқа оператори — мобил алоқа тармоғига эга бўлган, унинг қурилиши, ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва лицензияга асосан мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

Тизим оператори — мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олувчи, Тизимнинг мунтазам ишлашини ва такомиллаштирилишини таъминловчи юридик шахс;

ЖШШИР — жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (ЖШШИР) аниқлаш тартибига мувофиқ унинг паспорти бўйича аниқлаш мумкин бўлган ва 14 рақамдан иборат шахсий идентификация рақами;

IMEI-кодларни текшириш — аниқланмаган ва клонланган IMEI-кодларни, шунингдек, йўқотилган ва ўғирланган мобил қурилмаларни аниқлаш учун мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини Тизим базаси билан таққослаш;

мобил қурилмаларни рўйхатга олиш — мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини Тизим оператори IMEI-кодларининг маълумотлар базасига киритиш;

Тизим рўйхатга олувчиси — мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш учун Тизим оператори билан шартнома тузган яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс;

Ўзбекистон Республикаси резиденти — Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ёки исталган кетма-кет ўн икки ой давомида жами бўлиб бир юз саксон уч ва ундан кўп кун бўлган жисмоний шахс;

Ўзбекистон Республикаси норезиденти — Ўзбекистон резиденти ҳисобланмайдиган шахс;

роуминг — бир мобил алоқа операторининг абоненти бошқа мобил

алоқа операторининг хизмат кўрсатиш ҳудудида бир давлат доирасида (миллий роуминг) ёки бошқа мамлакатда (халқаро роуминг) бўлганда унинг бошқа мобил алоқа операторининг тармоғидан фойдаланишини таъминловчи хизмат;

мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизими (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) — ушбу Низомда назарда тутилган мобил қурилмаларни техник идентификациялаш параметрлари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш, йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган ахборот тизими;

тармоқ ҳодисаси — мобил қурилмани мобил алоқа операторининг тармоғига унинг абонент SIM-картасидан фойдаланиш орқали улаш.

2-боб. Тизимнинг вазифаси ва имкониятлари

3. Тизим ушбу Низомнинг талабларига кўра мобил қурилмаларни рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган барча мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, мобил қурилмалар IMEI-кодларининг оқ, кул ранг, қора, боғланган оқ рўйхатларини шакллантириш ва таъминлаш учун мўлжалланган.

4. IMEI-кодларни текшириш ва мобил қурилмаларни рўйхатга олиш билан боғлиқ барча жараёнлар Тизим ёрдамида амалга оширилади.

5. Импорт қилувчилар ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилмани харид қилишдан аввал IMEI-коднинг мақомини текшириш ва аниқланмаган, клонланган, йўқотилган ва ўғирланган мобил қурилмаларни аниқлаш учун IMEI-кодларнинг маълумотлар базасига SMS/USSD сўров юборишлари ёки www.uzimei.uz манзил бўйича Тизим операторининг сайтига мурожаат қилишлари мумкин.

Мобил қурилманинг IMEI-кодини рўйхатга олиш ва мақомини текшириш билан боғлиқ Тизим операторидан барча SMS-хабарлар ва абонентлардан SMS/USSD сўровлар бепул асосда амалга оширилади.

3-боб. Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби ва шартлари

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш мажбурий ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро роумингда бўлган мобил қурилмалар бундан мустасно.

7. Клонланган ва аниқланмаган IMEI-кодли мобил қурилмалар Тизимда рўйхатга олинмайди.

8. Мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари

бўйича рўйхатга олиш тизимида рўйхатга олинishi керак бўлган мобил қурилмалар турларининг рўйхати ушбу Низомга 1-иловада* берилади.

Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш ушбу Низомнинг 4, 5 ва 6-бобларида кўрсатилган талабларга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчисига қилган мурожаатлари бўйича амалга оширилади.

9. Аввал рўйхатга олинган мобил қурилмалар қайта рўйхатга олинмайди.

10. Давлат томонидан қўриқланиши керак бўлган шахсларнинг хавфсизлиги, мамлакатда мудофаа қобиляти, хавфсизлик ва ички тартибни таъминлаш ва фавқулодда вазиятлар ҳолатида эҳтиёжларни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш ваколатли органларнинг тегишли мурожаатлари бўйича алоҳида тартибда амалга оширилади.

4-боб. Импорт қилувчи ва ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан мобил қурилмаларни рўйхатга олиш

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига/ҳудудида импорт қилувчилар томонидан олиб кириладиган ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш ушбу Низомга 2-иловадаги* схема бўйича амалга оширилади.

12. Экспорт қилиш учун ишлаб чиқарилган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари рўйхатга олинмайди.

13. Импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда ариза берувчи деб аталади) мобил қурилмаларни рўйхатга олишни:

Тизим операторига ўзи келиб мурожаат этиш орқали;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали амалга оширишлари мумкин.

14. Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш учун ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудига/ҳудудида олиб кирилган/ишлаб чиқарилган мобил қурилмаларнинг маркаси, модели, сони ва IMEI-кодлари кўрсатилган ҳолда, тегишли равишда ариза берувчининг турига қараб, ушбу Низомга 3а ёки 3б-иловалардаги* шаклга мувофиқ тўлдирилган анкетани тақдим этади.

Импорт қилувчилар анкетада олиб кирилган қурилмалар тўплами учун юк божхона декларациясининг (кейинги ўринларда ЮБД деб аталади) рақами ва санасини кўрсатади. Агар импорт қилувчи томонидан анкетада кўрсатилган ахборот ЮБДда акс эттирилган ахборотга мос келмаса, қурилмаларнинг бутун тўплами рўйхатга олинмайди.

Бунда мобил қурилмаларнинг маркаси, модели, сони тўғрисидаги ахбо-

* 1 — 3б-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рот ва улар IMEI-кодларининг рўйхати ариза берувчилар томонидан электрон кўринишда тақдим этилади.

15. Рўйхатга олиш учун ўзи келиб мурожаат қилиш тартибида тўлдирилган анкета Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчисининг масъул шахси томонидан қабул қилинади.

Масъул шахс томонидан ЯИДХП орқали электрон шаклда тақдим этилган мобил қурилмани рўйхатга олиш тўғрисидаги анкета унинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан қабул қилинади, шунингдек, рўйхат рақами берилган ҳолда автоматик равишда ЯИДХПда рўйхатга олинади.

16. Рўйхатга олиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этиладиган мобил қурилмаларнинг сони чекланмаган.

17. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

18. Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш учун ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилмаган қўшимча маълумотларни олиш зарур бўлганда, Тизим оператори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарори билан белгиланган тартибда бошқа ваколатли органлардан мустақил равишда уларни сўрайди ва олади.

Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотга эга бўлган давлат органлари тегишли идоралараро сўровни олган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида бундай ҳужжатлар ва ахборотни (архив маълумотларидан ташқари) тақдим этишга мажбур.

19. Ишончли бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар берганлиги учун ариза берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

20. Ариза берувчининг анкетасини кўриб чиқиш ва мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш 3 (уч) иш куни ичида амалга оширилади.

21. Рўйхатга олиш жараёни тугаганидан кейин Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчиси 1 иш куни ичида белгиланган тартибда ариза берувчига тўлаш учун ҳисобни тақдим этади.

22. Ариза берувчи томонидан тўлов амалга оширилгандан кейин Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчиси 1 иш куни ичида барча IMEI-кодларни оқ рўйхатга киритади ва агар мавжуд бўлса, рўйхатга олиб бўлмайдиган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари рўйхатини кўрсатган ҳолда, ариза берувчини анкетада кўрсатилган усул орқали рўйхатга олиш тугаганлиги тўғрисида хабардор қилади.

5-боб. Жисмоний шахслар томонидан мобил қурилмаларни рўйхатга олиш

23. Абонентлар томонидан фойдаланиладиган ва 2019 йилнинг 1 ноябри-

гача тармоқда актив (уланган) ҳолатда бўлган барча мобил қурилмалар рўйхатга олинади ва Тизим оператори IMEI-кодларининг маълумотлар базасига автоматик равишда киритилади (улар эгаларининг ҳеч қандай қўшимча аризалари талаб этилмайди).

24. Жисмоний шахслар томонидан Тизим операторининг базасида импорт қилувчилар ёки ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан аввал рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш талаб этилмайди.

25. Жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш ушбу Низомга 4-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

26. Жисмоний шахслар томонидан, шу жумладан халқаро почта ёки курьерлик жўнатмалари орқали олиб кирилган мобил қурилмалар дастлабки муваффақиятли тармоқ ҳодисаси кунидан бошлаб 30 календарь кунни давомида рўйхатга олинади.

27. Мобил алоқа оператори мобил қурилмаси дастлабки муваффақиятли тармоқ ҳодисасидан ўтган абонентни 30 календарь кунни давомида ушбу мобил қурилмани рўйхатга олиш зарурлиги ва кўрсатилган муддат тугаганидан кейин рўйхатга олинмаганда, унинг мобил алоқа хизматларидан фойдаланиши чекланиши тўғрисида хабардор қилиш чораларини кўради.

Хабар дастлабки муваффақиятли тармоқ ҳодисаси пайтида ва 30 кун муддат тугашидан беш кун олдин давлат, рус ва инглиз тилларида SMS-хабар жўнатиш орқали берилади.

28. Жисмоний шахслар мобил қурилмаларни рўйхатга олишни қуйидагича амалга оширишлари мумкин:

Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчисига ўзи келиб мурожаат этган ҳолда;

мобил алоқа тизимлари орқали (SMS ва/ёки USSD сўровлар);

почта алоқаси орқали;

ЯИДХП ёки Тизим оператори сайти орқали.

Жисмоний шахслар томонидан халқаро почта ёки курьерлик жўнатмалари орқали олиб кирилган мобил қурилмалар фақат Тизим оператори ёки Рўйхатга олувчисига ўзи келиб мурожаат этиш орқали почта идентификаторининг штрих коди ва календарь штемпели бўлган конверт тақдим этилган ҳолда амалга оширилади.

29. Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш учун жисмоний шахс қуйидагиларни тақдим этади:

ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган Анкетани, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган мобил қурилмаларнинг маркаси, модели, сони ва IMEI-кодлари;

ўзи келиб мурожаат этганда — Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчиси томонидан нусхани олиш учун фуқаролик паспортини;

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

анкета ЯИДХП орқали электрон шаклда тақдим этилганда жисмоний шахсдан фуқаролик паспорти ва электрон рақамли имзоси талаб этилмайди;

SMS орқали — абонент рўйхатдан ўтказиладиган мобил қурилманинг IMEI-коди ва ариза берувчининг ЖШШИР киритилган SMS-хабарни махсус рақамга юборади;

USSD сўрови орқали — абонент рўйхатдан ўтказиладиган мобил қурилманинг IMEI-коди ва ариза берувчининг ЖШШИР киритилган махсус USSD сўровини амалга оширади;

Тизим операторининг сайтида — абонент рўйхатдан ўтказиладиган мобил қурилманинг IMEI-коди, ариза берувчининг ЖШШИР ва телефон рақамини кўрсатади.

30. Рўйхатга олиш учун ўзи келиб мурожаат этиш тартибида тўлдирилган Анкета Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчисининг масъул шахси томонидан қабул қилинади.

Жисмоний шахс томонидан электрон шаклда ЯИДХП орқали тақдим этилган мобил қурилмани рўйхатга олиш тўғрисидаги Анкета унинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан қабул қилинади, шунингдек, рўйхатга олиш рақами берилган ҳолда ЯИДХПда автоматик равишда рўйхатга олинади.

31. Жисмоний шахслар томонидан рўйхатга олиш учун кўрсатилган мобил қурилмалар олиб кирилган, шу жумладан халқаро почта ёки курьерлик жўнатмалари орқали келтирилган мобил қурилмалар сони жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган божхона чегараси орқали товарларни божсиз олиб киришнинг чекланган нормаларидан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (сана, усул ва бошқа) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан электрон ахборот алмашиш орқали мурожаат этилган сана ва жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами қайд этилган ҳолда текширилади.

Божхона чегарасидан товарларни божсиз олиб кириш нормаларига риоя қилинмаган ҳолда, рўйхатдан ўтказиш божхона тўловлари импорт қилувчи сифатида тўлангандан сўнг амалга оширилади.

32. Жисмоний шахсдан ушбу Низомнинг 29 ва 31-бандларида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

33. Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш учун ушбу Низомнинг 29 ва 31-бандларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотларни олиш зарур бўлганда, Тизим оператори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарори билан белгиланган тартибда бошқа ваколатли органлардан мустақил равишда уларни сўрайди ва олади.

Мобил қурилмаларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлари ва ахбороти мавжуд бўлган давлат органлари тегишли идораларро сўровни олган пайтдан бошлаб бир иш кuni ичида бундай ҳужжатлар ва ахборотни (архив маълумотларидан ташқари) тақдим этишга мажбур.

34. Ишончли бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги учун жисмоний шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

35. Жисмоний шахснинг Анкетасини кўриб чиқиш ва мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш 3 (уч) иш соати ичида амалга оширилади.

36. Рўйхатга олиш тугаганидан кейин Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчиси 1 иш соати ичида белгиланган тартибда жисмоний шахсга ҳисобни тақдим этади.

37. Жисмоний шахс томонидан тўлов амалга оширилгандан кейин Тизим оператори ёки Тизим рўйхатга олувчиси 1 иш соати ичида барча IMEI-кодларни оқ рўйхатга киритади ва агар мавжуд бўлса, рўйхатга олиб бўлмайдиган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари рўйхатини кўрсатган ҳолда, жисмоний шахсни анкетада кўрсатилган усул орқали рўйхатга олиш тугаганлиги тўғрисида хабардор қилади.

38. Рўйхатга олиш тўғрисидаги Анкетани кўриб чиқиш даврида жисмоний шахснинг мобил қурилмаси алоқа хизматларини чекламасдан, кулранг рўйхатда туради.

6-боб. Норезидентлар томонидан мобил қурилмаларнинг рўйхатга олиниши

39. Норезидентларга дастлабки тармоқ ҳодисаси пайтидан бошлаб 30 календарь кун муддатида мобил алоқа хизматларидан фойдаланишга рухсат берилади.

40. Мобил алоқа оператори маҳаллий мобил алоқа операторининг SIM-картаси ўрнатилган мобил қурилмаси дастлабки муваффақиятли тармоқ ҳодисасидан ўтган норезидентни мобил қурилмадан 30 календарь кун давомида рўйхатга олинмасдан фойдаланиши мумкинлиги ва кўрсатилган муддат тугаганидан кейин рўйхатга олинмаганда мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш чекланиши тўғрисида хабардор қилиш чораларини кўради.

Хабар бериш дастлабки муваффақиятли тармоқ ҳодисаси пайтида ва 30 кун муддат тугашидан беш кун олдин рус ва инглиз тилларида SMS-хабарни жўнатиш орқали амалга оширилади.

41. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 30 календарь кундан ортиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — жисмоний шахслар учун мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш тартибига мувофиқ Тизим оператори ёки Рўйхатга олувчисига ўзи келиб мурожаат этиш орқали рўйхатдан ўтказишлари зарур.

7-боб. Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш учун тўлов

42. Тизимда рўйхатга олиниши керак бўлган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш учун тўлов миқдорлари ушбу Низомга 6-иловада* келтирилган.

43. Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатга олиш учун тўлов Тизим операторининг махсус ҳисобрақамига келиб тушади ва келгусида ушбу маблағлар республика телекоммуникация инфратузилмасини, шу жумладан қишлоқ ва чекка аҳоли пунктлари, туристик ва рекреацион ҳудудларда ривожлантириш лойиҳаларини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ давлат органларида амалга ошириладиган ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш лойиҳаларини мақсадли молиялаштириш учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади, Тизим оператори ўз фаолиятини юритиши учун унинг тасарруфида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно.

44. Мобил қурилмада биттадан ортиқ IMEI коди бўлган тақдирда, рўйхатга олиш тўлови ҳар бир IMEI-код учун алоҳида амалга оширилади.

8-боб. Тизим операторининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

45. Тизим оператори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Тизимга кира олиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш;
ахборот алмашиш учун белгиланган тартибда Тизимнинг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашувини амалга ошириш;

мобил алоқа операторларидан зарур техник ахборотни, шу жумладан мобил қурилманинг ишлаш маълумотларини, реал вақт режимида мобил қурилма, шунингдек, тизим ишлаши доирасида белгиланган даврийлик билан амалга оширилган тармоқ ҳодисалари ва активлик параметрларини сўраш;

мобил алоқа операторларининг маблағлари ҳисобидан Тизимнинг ишлаши доирасида зарур ишларни бажариш бўйича мобил алоқа операторларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

мобил алоқа операторларининг тармоқларидаги Тизимнинг ишлашига таъсир кўрсатувчи камчиликларни уларнинг маблағлари ҳисобидан барта раф этиш бўйича мобил алоқа операторларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Тизим оператори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

46. Тизим оператори қуйидагиларга мажбур:

мобил алоқа операторлари билан биргаликда Тизим модуллари уларнинг ахборот тизимларига интеграциялаштириш;

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тизимнинг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш; мобил алоқа операторларини Тизимнинг техник носозликлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

Тизим оператори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

47. Тизим оператори қуйидагиларга жавобгар бўлади:

Тизимнинг узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлиги; махфий ахборотни тарқатмаслик ва уларни муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши.

9-боб. Бошқа идоралар билан ўзаро ҳамкорлик

48. Тизимнинг бошқа идоралар ва манфаатдор ташкилотлар билан ахборот алмашиш тартиби ва ўзаро ҳамкорлик қилиш шартлари ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик бўйича алоҳида шартномалар/келишувлар билан белгиланади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

49. Давлатнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлаш ҳамда ўта муҳим ижтимоий-сиёсий чора-тадбирларни ўтказишда Тизим оператори ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг сўрови бўйича мобил қурилмалар ишини мажбурий тўхтатиб туриш ва қайта тиклашни амалга оширади.

50. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**702 Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида***

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиншини кенгайтириш, аҳолига мактабгача таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш, шунингдек, мактабгача таълим ва тарбиянинг янги инновацион муқобил шакллари жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини мазкур қарорга 1-иловага** мувофиқ рўйхат бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятлари туманларида амалга ошириш;

мобиль гуруҳларни замонавий талабларга жавоб берадиган ва қайта жиҳозланган ISUZU HC 40 автобусларида ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда тажриба-синов лойиҳаси деб аталади) амалга оширишда асосий вазифалари этиб белгилансин:

мобиль гуруҳларни мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалардан шакллантириш;

мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва услулари жорий этиш;

мобиль гуруҳларни ўқув-услубий, дидактик материаллари, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, миллий маданий-тарихий бойликларни акс эттирадиган ҳамда болаликдан китоб ўқишга қизиқишни оширадиган бадий адабиётлар билан таъминлаш;

илғор хорижий тажриба инobatга олинган ҳолда, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг ҳар томонлама етук, интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва уларни бошланғич таълимга тайёрлаш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ота-оналарга болаларнинг илк ривожланиши, уларга таълим-тарбия бериш масаласида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш;

мактабгача таълимнинг муқобил шакллари ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, мобиль гуруҳлар мактабгача таълим тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади (бир ҳафтада 7,5 соатдан кам бўлмаган таълим-тарбия жараёнини ташкил этган ҳолда).

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ҳафта муддатда:

мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолияти майдончаларини ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилиши ва тайёрланиши, зарур бўлганда санитария қоидалари ва нормалари, гигиена нормативлари талабларига мувофиқ янги болалар ўйин майдончаларини қуриш ёки мавжудларини капитал таъмирлаш тўғрисида таклифлар киритилишини;

мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолияти майдончаларини ташкил қилиш учун маршрут ва тураргоҳлар жойлашган жойни кўрсатган ҳолда, мобиль гуруҳлар рўйхати шакллантирилишини;

мобиль гуруҳларни ўқув-услубий, дидактик материаллар, бадий адабиётлар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар билан таъминласин.

5. Қуйидагилар:

Мактабгача таълим мобиль гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим мобиль гуруҳларни жиҳозлаш нормативлари 3-иловага* мувофиқ;

Мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолияти майдончаларини жиҳозлаш нормативлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти болаларни мактабгача таълим мобиль гуруҳларга қабул қилишга татбиқ этилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ой муддатда мобиль гуруҳларни юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда мобиль гуруҳларнинг таълим-тарбия жараёни сифатини тизимли назорат қилиш ва фаолиятини ташкил қилиш мониторингини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар мазкур қарор доирасида ажратилишини назарда тутсин;

киритиладиган қўшимча штат бирликлари ва мобиль гуруҳларни сақ-

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилги харажатлар параметрларига зарур ўзгартиришлар киритсин;

бир ой муддатда мобиль гуруҳлар бириктирилган мактабгача таълим ташкилотларининг намунали штатлар жадвалига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш якунлари бўйича мобиль гуруҳларда мактабгача ёшдаги болаларнинг бўлишини ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларини сақлаш, жойлаштириш ҳамда иш режимини ташкил қилиш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қайта жиҳозланган ISUZU HC 40 автобуслари бепул расмийлаштирилиши, рўйхатдан ўтказилиши, уларга давлат рақами белгилари ажратилиши, шунингдек, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа тартиб-таомиллар амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш натижалари бўйича 2020 йил 1 сентябрга қадар таҳлил ўтказиб, мазкур лойиҳани амалга оширишни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 сентябрь,
786-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Мактабгача таълим мобиль гуруҳлар фаолиятини ташкил
этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мактабгача таълим мобиль гуруҳлар (кейинги ўринларда мобиль гуруҳлар деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мобиль гуруҳлар болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш, мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларга таълим хизматлари кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

3. Қуйидагилар мобиль гуруҳларнинг асосий вазифалари ҳисобланади: илғор хорижий тажриба инобатга олинган ҳолда, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг ҳар томонлама етук, интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний кадриятлар билан таништириш;

таълим-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологиялар, таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва услубларини жорий этиш;

бола шахсининг асосларини шакллантириш, унинг билим орттиришга бўлган қизиқишларини ривожлантириш;

мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва уларни бошланғич таълимга тайёрлаш;

ота-оналарга болаларнинг илк ривожланиши, уларга таълим-тарбия бериш масаласида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш.

2-боб. Мобиль гуруҳларни ташкил этиш тартиби

4. Мобиль гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари томонидан ҳудудлар эҳтиёжларини ўрганиш якунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этилади.

5. Мобиль гуруҳлар замонавий талабларга жавоб берадиган ва қайта жиҳозланган автобуслар базасида ташкил этилади.

6. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбияни ташкил этиш учун санитария нормалари ва қоидалари ҳамда гигиена нормативларига мувофиқ фақат фанларни ривожлантирувчи муҳит ва ўйин фаолиятини ташкил этиш мақсадида фойдаланиладиган ер майдонлари ажратилади.

7. Қайта жиҳозланган автобуснинг ички қисми унда болалар ўзини қулай ҳис этишига, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

8. Мобиль гуруҳлар давлат мактабгача таълим муассасаларига тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг буйруғига асосан бириктирилади.

9. Мобиль гуруҳларда фаолият кўрсатадиган тарбиячи, тарбиячининг ёрдамчиси ва ҳайдовчи тегишли давлат мактабгача таълим муассасаси раҳбарига ҳисобот беради.

10. Мобиль гуруҳлар ходимлари мобиль гуруҳлар бириктирилган давлат мактабгача таълим муассасасининг штатида ҳисобда туради.

11. Мобиль гуруҳлар ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили тиббий кўрикдан ўтади.

3-боб. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш

12. Мобиль гуруҳларга мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

13. Мобиль гуруҳларга болалар бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда, ота-оналарнинг (қонуний вакилларнинг) аризаси ва боланинг саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома асосида қабул қилинади.

14. Ота-онанинг (қонуний вакилнинг) аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ота-онанинг (қонуний вакилнинг) фуқаролик паспорти нусхаси;

боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

боланинг 2 дона фотосурати;

боланинг саломатлиги тўғрисида тиббий хулоса.

15. Болалар мобиль гуруҳларга ушбу мобиль гуруҳлар бириктирилган давлат мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида қабул қилинади.

16. Болалар бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўқув йили давомида ота-оналарнинг (қонуний вакилларнинг) аризаси асосида бўш ўрин бўлган тақдирда ўтказилади.

17. Тиббий салбий кўрсатмалар ва бўш ўрин бўлмаслиги болани мобиль гуруҳга қабул қилиш тўғрисидаги аризани рад этиш учун асос бўлади.

18. Мобиль гуруҳларда давлат мактабгача таълим хизматлари бепул кўрсатилади.

19. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбия жараёни илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида ташкил этилади ва овқатлантиришни мажбурий ташкил этмаган ҳолда, бир ҳафтада 7,5 соатдан (бир кунда 3-4 соат) кам бўлмаган таълим бериш назар тутилади.

20. Мобиль гуруҳлар таълим фаолиятини 2 сменада, бир ҳафтада 6 кун амалга оширади.

21. Мобиль гуруҳларда ўқув йили 2 сентябрдан бошланиб 31 майда якунланади, ёзги соғломлаштириш даври 1 июндан 31 августга қадар ҳисобланади.

22. Гуруҳлар бир хил ёки аралаш ёш принципи бўйича тўлдирилади.

23. Бир гуруҳда болалар сони 16 нафардан ортиқ бўлмаслиги лозим.

24. Мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар мобиль гуруҳларда тиббий салбий кўрсатмалар бўлмаганда таълим олишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ тиббий салбий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, боланинг яшаш жойидаги тиббиёт ташкilotи томонидан мобиль гуруҳга боришга рухсат этиш тўғрисида ҳулоса берилади ва унда ота-онасининг бири ёки боланинг бошқа яқин қариндоши бўлиши зарурлиги кўрсатилади.

25. Мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни ўзига хос алоҳида хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ташкил этилади.

26. Ўқув-услубий, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланади. Минималлаштирилган алоҳида канцелярия анжомлари тўплами билан эса ота-оналар (қонуний вакиллар) ҳисобидан таъминланади.

27. Қайта жиҳозланган автобусда болалар бўлган вақтда унинг ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Таълим-тарбия жараёни иштирокчилари

28. Мобиль гуруҳларда тарбияланувчи, педагог ходим, ота-она ёки уларнинг қонуний вакиллари таъим-тарбия жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади.

29. Мобиль гуруҳлар тарбияланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

30. Тегишли касбий маълумотга, тайёргарликка, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлган шахслар мобиль гуруҳларда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

31. Ота-оналар ёки уларнинг қонуний вакиллари мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни билан танишиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Мобиль гуруҳларнинг мулки ва молиявий-ҳўжалик фаолияти

32. Мобиль гуруҳлар фаолияти тасдиқланган сарф-харажатлар смета-си ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган штатлар жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

33. Мобиль гуруҳларнинг мулки қонунда белгиланган тартибда давлат мактабгача таълим муассасасига бириктирилади.

34. Мобиль гуруҳлар педагог ходимлари, тарбиячи ёрдамчилари ва

хайдовчиларининг иш ҳақи давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган тартибда тўланади.

6-боб. Якунловчи қоида

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

703 Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5707-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш чора-тадбирлари режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан олдин берилган сертификатлар ҳақиқий ҳисобланади ҳамда уларнинг амал қилиш муддати якунлангандан сўнг янги сертификатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази томонидан берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Белгилансинки, Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2019 йил 1 декабрдан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 сентябрь,
788-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 18 сентябрдаги 788-сон қарориға
1-ИЛОВА

**Зарур амалиётлар (ГхР) талабларига мувофиқлик
юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Зарур амалиётлар (ГхР) талабларига риоя этилиши бўйича фармацевтик инспекциялар ўтказиш (кейинги ўринларда фармацевтик инспекция деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи — Зарур амалиётлар (ГхР) сертификатини олиш учун тегишли ариза билан мурожаат қилган юридик шахс ёки у томонидан белгиланган тартибда ваколат берилган шахс;

жалб этилган эксперт — инспекторат вакили бўлмаган, Зарур амалиётлар (ГхР) бўйича етарли тажрибага эга бўлган шахс;

жиддий номувофиқлик — дори воситалари муомаласи жараёнида уларнинг сифати пасайишига олиб келувчи Зарур амалиётлар (ГхР) талабларига тўғри келмайдиган номувофиқлик;

жиддий бўлмаган номувофиқлик — Зарур амалиётлар (ГхР) талабларига тўғри келмайдиган номувофиқлик бўлиб, дори воситаси сифати-га таъсир кўрсатмайди, бироқ уни бартараф этиш сифат тизимини такомиллаштиради;

Зарур амалиётлар сертификати (ГхР) (кейинги ўринларда сертификат деб аталади) — Зарур амалиётлар (ГхР) талаблари юзасидан ўтказилган фармацевтик инспекция натижаларига кўра ишчи орган томонидан тақдим этиладиган ҳужжат;

ишчи орган — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг (ке-

йинги ўринларда Агентлик деб аталади) Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази;

инспекция назорати — ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимларининг сертификат амал қилиш даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ишчи орган томонидан даврий фармацевтик инспекция;

стажёр — инспекторатга янги қабул қилинган мутахассис;

фармацевтик инспекторат (кейинги ўринларда инспекторат деб аталади) — ишчи орган тизимидаги Зарур амалиётлар (GxP) миллий инспекторати бўлими;

фармацевтик инспектор (кейинги ўринларда инспектор деб аталади) — инспекторатнинг фармацевтик инспекция ўтказиш учун ваколатли ходими;

ўта жиддий номувофиқлик — дори воситалари муомаласи жараёнида уларнинг инсон соғлиғи ва ҳаётига муҳим хавф туғдирадиган Зарур амалиётлар (GxP) талабларига тўғри келмайдиган номувофиқлик.

3. Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар фармацевтик инспекциядан ўтказилади:

барча маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарувчилар Зарур ишлаб чиқариш амалиётининг (GMP) миллий талабларига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник тадқиқотлар ўтказувчи барча клиник базалари Зарур клиника амалиёти (GCP) миллий талабларига мувофиқ;

фармацевтика маҳсулотларининг клиник-олди тадқиқотларини амалга оширувчи барча лабораториялар Зарур лаборатория амалиётининг (GLP) миллий талабларига мувофиқ;

фармацевтика маҳсулотларини улгуржи сотиш билан шуғулланувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур дистрибуторлик амалиётининг (GDP) миллий талабларига мувофиқ.

4. Фармацевтик инспекцияларни ўтказиш билан боғлиқ ишларга ҳақ тўлаш натижаларидан қатъи назар, ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Зарур амалиётлар (GxP) талабларига риоя этилиши бўйича фармацевтик инспекциялар ўтказиш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Фармацевтик инспекцияни ўтказиш тартиби

6. Фармацевтик инспекция ўтказиш учун ариза берувчи ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда ариза;

ҳужжатлаштирилган стандарт операцион жараёнлар ва сифат менежменти тизими жараёнлари рўйхати;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб чиқариш ҳудудининг ҳужжатлари (ишлаб чиқарувчилар учун).

Сертификатнинг амал қилиш муддати даврида Зарур амалиётлар (GxP) талабларига таъсир кўрсатувчи ўзгартиришлар киритилганда ариза берувчи томонидан ишчи органга инспекцион назоратни ўтказиш ва сертификатни қайта тасдиқлаш учун мурожаат қилиниши шарт.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги бўйича жавобгарлик ариза берувчининг зиммасига юкланади.

8. Ариза берувчи ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатларни ишчи органга бевосита, почта орқали ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тақдим қилиши мумкин.

9. Ариза берувчидан аризани кўриб чиқиш вақтида ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи ўз ихтиёрига кўра фармацевтик инспекцияга алоқадор қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилиши мумкин.

10. Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқлиги юзасидан ариза ишчи орган томонидан бир иш куни мобайнида ўрганилади. Ўрганишнинг ижобий натижаси асосида ариза рўйхатдан ўтказилади ва уч иш кунидан кечикмай фармацевтик инспекция ўтказиш бўйича шартнома ариза берувчига етказилади.

Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, ишчи орган бир иш кунидан кечикмай ариза берувчига етмайдиган ҳужжатларни етказиш ҳақида хабар қилади.

Ариза берувчи томонидан етмайдиган ҳужжат ўн иш кунидан тақдим этилмаган тақдирда ариза қайтарилиши мумкин.

11. Фармацевтик инспекция ўтказилаётган даврда аризада сўралган фаолият йўналишлари ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

12. Ариза берувчи фармацевтик инспекция томонидан баҳолаш ўтказиш учун тегишли имкониятларни яратиб бериши шарт.

13. Фармацевтик инспекция сертификатлаштириш ёки инспекция назоратини амалга ошириш мақсадида ўтказилади.

14. Фармацевтик инспекция ўтказиш учун инспекторат томонидан инспекторлар гуруҳи тузилади.

Ишчи орган раҳбарининг буйруғи асосида инспекторлар гуруҳи таркибидан бош инспектор белгиланади. Фармацевтик инспекцияда жалб этилган экспертлар ва стажерлар иштирок этиши мумкин. Стажерлар ўтказилган фармацевтик инспекция натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилишда иштирок этмайдилар.

15. Инспекторлар гуруҳи таркиби ва фармацевтик инспекция ўтказиладиган сана ариза берувчи билан келишилган ҳолда белгиланади.

16. Фармацевтик инспекция ишчи орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланадиган фармацевтик инспекция ўтказиш дастурига (кейинги ўринларда инспекция дастури деб аталади) асосан амалга оширилади.

17. Фармацевтик инспекция жараёни ўз ичига қуйидаги босқичлар ва муддатларни олади:

тақдим этилган ҳужжатларни экспертиза қилиш ариза берувчи томонидан хизматлар тўлови амалга оширилгандан сўнг етти иш куни мобайнида;

ариза берувчи билан фармацевтик инспекция ўтказиш муддатларини келишиш учун унга инспекция дастурини йўллаш бир иш куни ичида;

фармацевтик инспекцияни бевосита жойида ўтказиш етти иш кунидан ошмаган муддатда, инспекция назорати уч иш кунидан ошмаган муддатда;

ўтказилган фармацевтик инспекция юзасидан ҳисобот тузиш ва ариза берувчига тақдим этиш ўн иш куни ичида (инспекция назорати учун беш иш куни мобайнида);

ижобий ҳисобот тузилганидан сўнг сертификатни бериш ёки уни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиш уч иш кунидан, номувофиклик бўлган тақдирда, ариза берувчи томонидан тузатувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатлар режаси тақдим этилиб, унда кўрсатилган барча номувофикликлар тўқсон иш кунидан кўп бўлмаган муддатда бартараф этилганидан сўнг;

сертификат беришни ёки тасдиқлашни рад этиш — фармацевтик инспекция натижасида аниқланган номувофикликлар белгиланган муддат мобайнида бартараф этилмаган тақдирда 3 иш куни ичида.

18. Фармацевтик инспекция ўтказиш жараёнида инспекторлар инспекция дастурига асосан аризада кўрсатилган фаолият йўналишини кўздан кечирадilar.

19. Инспекторлар гуруҳи фармацевтик инспекция ўтказиш учун талаб қилинган маълумотларни, ҳужжатларни фойдаланиш учун сўраб олиш, бино ва хоналарга кириш ваколатига эга.

20. Ариза берувчининг вакиллари томонидан фармацевтик инспекция давомида бартараф этилган камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар инспекция гуруҳи томонидан эътиборга олинаши шарт.

21. Инспекторлар гуруҳи ариза берувчига фармацевтик инспекциянинг дастлабки натижаларини инспекциянинг сўнгги кунидан эълон қилади. Аниқланган номувофикликлар, уларни бартараф этиш учун тузатувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинади.

22. Фармацевтик инспекция натижаси бўйича инспекторлар гуруҳи томонидан ўтказилган фармацевтик инспекция давомида аниқланган номувофикликларни ўз ичига олган ҳисобот тузилади.

23. Фармацевтик инспекция натижалари бўйича аниқланган номувофикликлар ўз вақтида бартараф этилмаса, ариза берувчи номувофикликларни бартараф этиш учун тузатувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади ва ишчи органга тақдим этади. Бунда номувофикликларни бартараф этиш муддати ҳисобот расмийлаштирилган санадан эътиборан тўқсон иш кунидан ошмаслиги керак.

24. Ариза берувчи асослаган ҳолда номувофикликларни бартараф этиш муддатларини узайтириш сабабларини ёзма равишда ишчи органга тақдим этганда, номувофикликларни бартараф этиш муддати ишчи орган томонидан бир маротаба бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

25. Инспекторлар гуруҳи тузатувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатлар режасини ҳамда номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қабул қилганидан сўнг номувофиқликлар амалда бартараф этилганлиги ҳолатини заруратга кўра жойнинг ўзига борган ҳолда ўрганиб чиқади.

Номувофиқликларнинг амалда бартараф этилганлиги ҳолатини ўрганиш ва якуний ҳисоботни расмийлаштириш муддати ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумот ва номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

26. Куйидагилар сертификат беришни ёки тасдиқлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади:

фармацевтик инспекция натижасида аниқланган бир ёки ундан ортиқ ўта жиддий номувофиқликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилмагани;

фармацевтик инспекция натижасида аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиддий номувофиқликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилмагани;

фармацевтик инспекция жараёнида ариза берувчи томонидан ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган талаблар бажарилмаслиги.

27. Фармацевтик инспекция натижалари бўйича ижобий ҳисобот расмийлаштирилган тақдирда, яъни сертификат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асослар бартараф этилган ёки мавжуд бўлмаса, ишчи орган томонидан уч иш кун ичида ушбу Низомга 3 ва 4-иловаларда* келтирилган шаклда сертификат расмийлаштирилади ва ариза берувчига тақдим этилади. Сертификатнинг амал қилиш муддати — уч йил.

28. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш мақсадида ариза берувчи ишчи органга сертификатнинг амал қилиш муддати тугашидан камида уч ой олдин ариза тақдим этиши лозим.

Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш сертификатни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Инспекция назоратини ўтказиш тартиби

29. Сертификат тақдим этилгандан сўнг ишчи орган томонидан тақдим этилган сертификатнинг амал қилиш муддатини тасдиқлаш мақсадида йилга камида бир маротаба Зарур амалиётлар (GxP) талаблари бўйича инспекция назорати ўтказилади.

30. Инспекция назоратини ўтказиш муддатлари ариза берувчининг мурожаатига асосан сертификат расмийлаштирилган муддатдан камида тўққиз ойдан кейин, бироқ ўн икки ойдан ошмаган муддатда инспекция назоратини ўтказиш режалаштирилган йилдан олдинги йилнинг декабрь ойида ишчи орган томонидан белгиланади.

31. Инспекция назоратини ўтказиш ушбу Низомнинг 17-бандида бел-

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гиланган муддатларда амалга оширилади ва натижалари бўйича ҳисобот тузилади.

32. Инспекция назорати натижалари бўйича аниқланган номувофикликлар ўз вақтида бартараф этилмаса, ариза берувчи номувофикликларни бартараф этиш учун тузатувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади ва ишчи органга тақдим этади. Бунда номувофикликларни бартараф этиш муддати ҳисобот расмийлаштирилган санадан эътиборан ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.

Инспекция назорати натижалари бўйича номувофикликлар мавжуд бўлганда, уларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилган ёки бартараф этилмаганлиги тўғрисидаги маълумот ариза берувчи томонидан ишчи органга тақдим этилади.

33. Ишчи орган томонидан ушбу Низомнинг 25-бандига асосан ариза берувчининг сертификатини тасдиқлашни рад этиш ёки сертификатининг амал қилиш муддатини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

34. Ишчи орган томонидан ариза берувчининг сертификатини тасдиқлаш рад этилса, унинг сертификатининг амал қилиш муддати суд тартибидан тўхтатилади.

4-боб. Ҳисобот тузиш тартиби

35. Инспекторлар гуруҳи ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ҳисоботни икки нусхада тузади ва имзолайди.

Ҳисобот имзоланган кундан эътиборан 3 иш кунидан кеч бўлмаган муддатда унинг бир нусхаси ариза берувчига (қузатув хати билан) юборилади, иккинчи нусхаси инспекторатнинг архивида сақланади.

Синовлардан ўтказиш мақсадида маҳсулот намуналари танлаб олинган тақдирда, ҳисобот ишчи орган синов лабораториясидан синовлар натижалари олинганидан сўнг тузилади. Бунда ҳисобот тузиш учун муддат лаборатория синовлари натижалари олинган кундан эътиборан ҳисобланади.

36. Инспекторат фармацевтик инспекция ҳужжатларида сақланган маълумотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлайди.

5-боб. Сертификатни бериш, амал қилиш муддатини тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби

37. Ишчи орган фармацевтик инспекция натижаларига кўра сертификатни бериш, тўхтатиш ёки бекор қилишни таъминлайди.

38. Сертификатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

ариза берувчи сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганида;

инспекция назорати натижалари бўйича Зарур амалиётлар (GxP) талаблари ва шартлари бузилиши аниқланганда суд тартибидан;

ариза берувчи фаолияти тугатилса.

39. Сертификат қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

ишчи органнинг сертификатни бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганда;

сертификат қалбаки ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги аниқланганда;

сертификатнинг амал қилиш муддати даврида Зарур амалиётлар (GxP) талабларига таъсир кўрсатувчи ўзгартиришлар киритилганда ва ариза берувчи томонидан ишчи органга инспекцион назоратни ўтказиш бўйича муурожаат қилинмаган тақдирда.

Сертификатни бекор қилиш фақат суд тартибда амалга оширилади.

40. Ариза берувчи ишчи органнинг сертификат беришни ёки тасдиқлашни рад этиш ҳақидаги қарори юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

41. Берилган, амал қилиш муддати узайтирилган, тўхтатилган ва бекор қилинган сертификатлар ҳақидаги маълумотлар базаси ушбу Низомга 5-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ Зарур амалиётлар (GxP) сертификатлари реестрига киритилади ва ишчи орган расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

42. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

43. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ
СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

704 Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш ме- зонларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3182*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сон «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2016 йил 21 ноябрдаги 86/ққ, 14-мх, 37/ққ ва 21/ққ-сон «Мак-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

табгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2849, 2016 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 587-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 август,
10-мҳ-сон

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2019 йил 19 август,
8 қ/қ-сон

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 август,
41 қ/қ-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАЖИДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 август,
5-2019-сон

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 август,
32-сон

**Жисмоний тарбия ва
спорт вазири**

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 август,
25 қ/қ-сон

Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 август,
35-2019-қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 10-мх, 8 қ/қ, 41 қ/қ, 5-2019, 32, 25 қ/қ ва 35-2019-қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ*

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
I. Мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1-боб. Умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Машғулот (дарс) ўтиш маҳорати	Жами 100 балл
а)	машғулот (дарс) таҳлиллари учун:	25 балл
	9 та ва ундан ортиқ машғулот (дарс) (Ўқув йили давомида)	25 балл
	6 — 8 та машғулот (дарс) (Ўқув йили давомида)	20 балл
	2 — 5 та машғулот (дарс) (Ўқув йили давомида)	15 балл
б)	очиқ машғулотлар (дарслар) ўтганлиги учун:	25 балл
	икки марта очиқ машғулот (дарс) ўтилганда (Ўқув йили давомида)	25 балл
	бир марта очиқ машғулот (дарс) ўтилганда (Ўқув йили давомида)	15 балл
в)	илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг тарбияланувчилар томонидан бажарилиши кўрсаткичлари учун:	30 балл
	болалар ривожланиш харитасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг тўлиқ бажарилганлиги учун	30 балл
	болалар ривожланиш харитасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг қисман бажарилганлиги учун	20 балл
г)	мактабгача таълим-тарбия бериш воситалари ва шакллари мақбул равишда танлаш орқали таълим-тарбия бериш жараёнида қўллай олса	5 балл

* Мазкур баҳолаш мезонлари нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
д)	машғулот (дарс) ўтиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тилларни билиши ва машғулотларда (дарсларда) қўллай олиш кўникмаларига эга бўлса	5 балл
ж)	ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	тарбияланувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	20 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	15 балл
	<i>мактабгача таълим таъкилоти миқёсида</i>	10 балл
б)	ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда услубий ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	30 балл
	<i>республика миқёсида</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек туман (шаҳар) миқёсида</i>	20 балл
в)	илғор педагогик иш тажрибаларини ўрганганлиги ва иш тажрибасини оммалаштирганлиги учун:	30 балл
	<i>республика миқёсида</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	10 балл
г)	аттестациядан ўтувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	20 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида</i>	20 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	15 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	10 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл</i>
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади</i>	<i>ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади</i>
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади</i>
2-боб. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва кўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Машғулот (дарс) ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	машғулот (дарс) таҳлиллари учун:	40 балл
	<i>9 та ва undan ortiq mashg'ulot (dars) (Ўқув йили давомида)</i>	40 балл
	<i>5 — 8 та машғулот (дарс) (Ўқув йили давомида)</i>	30 балл
	<i>2 — 4 та машғулот (дарс) (Ўқув йили давомида)</i>	20 балл
б)	очиқ машғулотлар (дарслар) ўтганлиги учун:	40 балл
	<i>икки марта очиқ машғулот (дарс) ўтилганда (Ўқув йили давомида)</i>	40 балл
	<i>бир марта очиқ машғулот (дарс) ўтилганда (Ўқув йили давомида)</i>	30 балл

T/p	Баҳолаш объекти	Балл
в)	таълим бериш воситалари ва шакллари ни мақбул равишда танлаш орқали таълим бериш жараёнида қўллай олса	5 балл
г)	ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва коррекцион фаолиятида уларни қўллай олиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
д)	хорижий тилларни билиши ва машғулотларда (дарсларда) қўллай олиш кўникмаларига эга бўлса	5 балл
е)	ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	аттестациядан ўтувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	20 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	15 балл
б)	тарбияланувчилар учун коррекцион (ривожлантирувчи) материаллар яратган, методик тавсиялар ва муаллифлик дастурлари ишлаб чиққанлиги учун:	40 балл
	<i>тарбияланувчилар учун коррекцион (ривожлантирувчи) материаллар яратган, методик тавсиялар ва муаллифлик дастурлари ишлаб чиққан бўлса</i>	40 балл
	<i>машғулот (дарс) ўтиш учун кўргазмалар ва тарқатма материаллар, методик тавсиялар ишлаб чиққан бўлса</i>	30 балл
	<i>машғулот (дарс) ўтиш учун кўргазмалар материаллар ишлаб чиққан бўлса</i>	20 балл
в)	тарбияланувчилар учун вариатив дастурлар ишлаб чиққан бўлса	20 балл
г)	илғор педагогик иш тажрибалари оммалаштирилганлиги учун:	20 балл
	<i>илғор педагогик иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилган бўлса</i>	20 балл
	<i>илғор педагогик иш тажрибаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида оммалаштирилган бўлса</i>	15 балл
	<i>илғор педагогик иш тажрибаси туман (шаҳар) миқёсида оммалаштирилган бўлса</i>	10 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл</i>
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади</i>	<i>ҳар бир жавоб 20 балл гача баҳоланади</i>
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир иш 20 балл гача баҳоланади</i>
II. Умумий ўрта таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1-боб. Умумий ўрта таълим муассасалари бошланғич синф ўқитувчиларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	Дарс кузатиш натижалари учун (дарс жараёнида баҳоланади):	40 балл
	<i>Дарс ўтиш жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик, ўқувчилар томонидан фанни ўзлаш-</i>	<i>40 балл</i>

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	тирганлик ҳамда мантикий фикрлаш кўникмалари эга бўлганлик, дарс жараёнида инновацион таълим технологиялари ва ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма, малакаларини тўғри баҳолай олушлик учун	
	Дарс ўтиши жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик, ўқувчилар томонидан фанни ўзлаштирганлик ҳамда мантикий фикрлаш кўникмаларига эга бўлганлик учун	30 балл
	Дарс ўтиши жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик учун	20 балл
б)	очиқ дарс ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	25 балл
	уч марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	25 балл
	икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	20 балл
	бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	10 балл
в)	ўқувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида)	15 балл
	86 — 100 фоиз	15 балл
	71 — 85 фоиз	10 балл
	56 — 70 фоиз	5 балл
г)	таълим бериш воситалари ва шакллари мақбул равишда танлаш орқали дарс жараёнида қўлай олса	5 балл
д)	таълим бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	таълим бериш жараёнида ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги учун (ташқи ёки ички назорат иши орқали аниқланадиган рейтинг кўрсаткичлари бўйича)	40 балл
	86 — 100 фоиз	40 балл
	71 — 85 фоиз	30 балл
	56 — 70 фоиз	20 балл
б)	аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда услубий ишланмалар билан иштирок этганлиги учун:	20 балл
	халқаро ва республика миқёсида	20 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	15 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	10 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг профессионал танловларда иштирок этганлиги учун:	15 балл
	халқаро ва республика миқёсида	15 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	10 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	5 балл
г)	илғор педагогик иш тажрибаларини ўрганганлиги ва иш тажрибасини оммалаштирганлиги учун:	25 балл
	республика миқёсида	25 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	20 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	15 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади	ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ёзма иш 5 та топириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир савола берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади	ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ижодий иш 5 та ижодий топириқдан иборат бўлади, ҳар бир топириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажаририлганлиги баҳоланади	ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади
2-боб. Умумий ўрта таълим муассасалари юқори синф ўқитувчиларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	Дарс кузатиш натижалари учун (дарс жараёнида баҳоланади):	40 балл
	Дарс ўтиш жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик, ўқувчилар томонидан фанни ўзлаштирилганлик ҳамда мантиқий фикрлаш қўникмалари эга бўлганлик, дарс жараёнида инновацион таълим технологиялари ва ўқувчиларнинг эгаллаган билим, қўникма, малакаларини тўғри баҳолаш оinganлик учун	40 балл
	Дарс ўтиш жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик, ўқувчилар томонидан фанни ўзлаштирилганлик ҳамда мантиқий фикрлаш қўникмаларига эга бўлганлик учун	30 балл
	Дарс ўтиш жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик учун	20 балл
б)	Очиқ дарс ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	25 балл
	уч марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	25 балл
	икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	20 балл
	бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	10 балл
в)	ўқувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида)	15 балл
	86 — 100 фоиз	15 балл
	71 — 85 фоиз	10 балл
	56 — 70 фоиз	5 балл
г)	таълим бериш воситалари ва шаклларини мақбул равишда танлаши орқали дарс ўтиш жараёнида қўлай олса	5 балл
д)	дарс бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий қўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	дарс бериш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самардорлиги	жами 100 балл
а)	ўқувчиларнинг ўзлаштириш самардорлиги учун (ташқи ёки ички назорат ишлари орқали аниқланадиган рейтинг кўрсаткичлари бўйича):	30 балл
	86 — 100 фоиз	30 балл
	71 — 85 фоиз	25 балл
	56 — 70 фоиз	20 балл
б)	ўқувчиларининг фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	15 балл
	халқаро ва республика миқёсида	15 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	10 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	5 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда услубий ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	15 балл
	халқаро ва республика миқёсида	15 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	10 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	5 балл
г)	аттестациядан ўтувчиларнинг профессионал танловларда иштирок этганлиги учун:	15 балл
	ҳалқаро ва республика миқёсида	15 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	10 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	5 балл
д)	илгор педагогик иш тажрибаларини ўрганганлиги ва иш тажрибасини оммалаштирганлиги учун:	25 балл
	республика миқёсида	25 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	20 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	15 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (а тестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади	ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади	ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли баҳарилганлиги баҳоланади	ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади
III. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	Дарс кузатиш натижалари учун (дарс жараёнида баҳоланади):	40 балл
	Дарс ўтиш жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар билан дифференциал ва индивидуал тарзда коррекцион педагогик ишлар олиб борилганлик, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-психологик усулларини тўғри танлаганлик учун	40 балл
	Дарс ўтиш жараёнида қўйилган (таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи) мақсадларга эришилганлик, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-психологик усулларини тўғри танлаганлик учун	30 балл
	Жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар билан дифференциал ва индивидуал тарзда коррекцион педагогик ишлар олиб борилганлиги учун	20 балл
б)	очиқ дарслар ўтганлик учун (ҳар ўқув йилида):	20 балл
	уч марта очиқ дарс ўтилганда (Ўқув йили давомида)	20 балл
	икки марта очиқ дарс ўтилганда (Ўқув йили давомида)	15 балл
	бир марта очиқ дарс ўтилганда (Ўқув йили давомида)	10 балл
в)	Ўқувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида):	20 балл
	86 — 100 фоиз	20 балл
	71 — 85 фоиз	15 балл
	56 — 70 фоиз	10 балл

T/p	Баҳолаш объекти	Балл
г)	таълим бериш воситалари ва шаклларини мақбул равишда танлаши орқали дарс ўтиш жараёнида қўллай олса	5 балл
д)	дарс бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	дарс бериш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларни коррекцион ривожлантирувчи методик тавсиялар ва муаллифлик дастурлари материаллари яратганлиги учун:	30 балл
	таълим олувчиларни тайёрлаш учун ривожлантирувчи (коррекцион) материаллар яратган, методик тавсиялар ва муаллифлик дастурлари ишлаб чиққан бўлса	30 балл
	дарс (машгулот) ўтиши учун кўргазмали ва тарқатма материаллар, методик тавсиялар ишлаб чиққан бўлса	25 балл
	дарс (машгулот) ўтиши учун кўргазмали материаллар яратган бўлса	20 балл
б)	ўқувчиларининг фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	20 балл
	халқаро ва республика миқёсида	20 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	15 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг профессионал танловларда иштирок этганлиги учун:	20 балл
	халқаро ва республика миқёсида	20 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	15 балл
г)	илгор педагогик иш тажрибаларини ўрганганлиги ва иш тажрибасини оммалаштирганлиги учун:	30 балл
	республика миқёсида	30 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	25 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	20 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади	ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади	ҳар бир жавоб 20 балл гача баҳоланади
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли баёжарилганлиги баҳоланади	ҳар бир иш 20 балл гача баҳоланади
IV. «Баркамол авлод» болалар маржазлари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Машгулот (дарс) ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	машгулот (дарс) таҳлиллари учун:	25 балл
	34 соат ва ундан ортиқ машгулот (дарс) (Ўқув йили давомида)	25 балл
	22 — 30 соат машгулот (дарс) (Ўқув йили давомида)	20 балл
	12 — 18 соат машгулот (дарс) (Ўқув йили давомида)	15 балл
б)	очиқ машгулотлар (дарслар) ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	25 балл
	икки марта (Ўқув йили давомида)	25 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	<i>бир марта (Ўқув йили давомида)</i>	<i>20 балл</i>
в)	тўғарак аъзоларининг давлат талабларини ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичлари учун:	30 балл
	<i>86 — 100 % фоиз</i>	<i>30 балл</i>
	<i>71 — 85 % фоиз</i>	<i>25 балл</i>
	<i>56 — 70 % фоиз</i>	<i>20 балл</i>
г)	таълим бериш воситалари ва шаклларини мақбул равишда танлаши орқали дарс ўтиш жараёнида қўллай олса	5 балл
д)	дарс бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	дарс бериш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	гуруҳга тўғарак аъзоларининг жалб қилинганлиги учун:	50 балл
	<i>гуруҳдаги тўғарак аъзолари сони 16 нафар ва ундан ортиқ бўлса</i>	<i>50 балл</i>
	<i>гуруҳдаги тўғарак аъзолари сони 12 — 15 нафар бўлса</i>	<i>40 балл</i>
	<i>гуруҳдаги тўғарак аъзолари сони 10 — 11 нафар бўлса</i>	<i>30 балл</i>
б)	тўғарак аъзоларининг халқаро, республика, вилоятлар (Тошкент шаҳри), туман (шаҳар) миқёсидаги тадбирлар ва турли мусобақалардаги иштироки учун:	50 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида бўлса</i>	<i>50 балл</i>
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида бўлса</i>	<i>40 балл</i>
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	<i>30 балл</i>
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл</i>
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади</i>	<i>ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади</i>
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади</i>
V. Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	дарс таҳлиллари, жумладан дарс машғулотларини таълим олувчиларга назарий (кўргазмали воситалар орқали) ва амалий (кўрсатиб бериш усуллари) етказиб берилганлиги учун:	20 балл
	<i>дарс таҳлил қилинган бўлса;</i>	<i>20 балл</i>
б)	очиқ дарс машғулотлари ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	30 балл
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)</i>	<i>30 балл</i>
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)</i>	<i>20 балл</i>

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
в)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари ҳамда спорт турлари бўйича тўғарақларга жалб этилганлиги учун (синф журналлари асосида):	30 балл
	86 — 100 фоиз	30 балл
	71 — 85 фоиз	20 балл
	56 — 70 фоиз	10 балл
г)	таълим бериш воситалари ва шакллари мақбул равишда танлаши орқали дарс машғулоти ва спорт секция машғулотларини ўтиш жараёнида қўллай олса	5 балл
д)	дарс машғулоти ва спорт секция машғулотларини ўтиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	дарс машғулоти ва спорт секция машғулотларини ўтиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги учун (ташқи ёки ички назорат ишлари орқали аниқланадиган рейтинг кўрсаткичлари бўйича):	50 балл
	86 — 100 фоиз	50 балл
	71 — 85 фоиз	40 балл
	56 — 70 фоиз	30 балл
б)	таълим олувчиларнинг спорт мусобақалари ва бошқа кўрик-танловларда эришган ютуқлари учун:	25 балл
	совринли ўринни олганлиги учун	25 балл
	иштирок этганлиги учун	10 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг профессионал танловларда иштирок этганлиги учун:	25 балл
	халқаро ва республика миқёсида	25 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	20 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	15 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади	ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ёзма иш 5 та топириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга ҳар бир жавобдан келиб чиқиб баҳоланади	ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ижодий иш 5 та ижодий топириқдан иборат бўлади, ҳар бир топириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади	ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
VI. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1-боб. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари педагог кадрлари аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	дарс таҳлиллари, жумладан педагог кадрнинг таълим жараёнидаги ижодий фаолияти: асар таҳлили ва ижроси, кўргазмалар, сахна кўринишлари учун (ҳар ўқув йилида):	30 балл
	4 та турли мураккабликдаги асарлар учун (Ўқув йили давомида)	30 балл
	3 та турли мураккабликдаги асарлар учун (Ўқув йили давомида)	20 балл
	2 та турли мураккабликдаги асарлар учун (Ўқув йили давомида)	10 балл
б)	очиқ дарс машғулотлари ўтганлик учун (ҳар ўқув йилида):	25 балл
	уч марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	25 балл
	икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	20 балл
	бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	10 балл
в)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (ўқувчиларнинг шахсий иш режалари асосида):	25 балл
	86 — 100 фоиз	25 балл
	71 — 85 фоиз	10 балл
	56 — 70 фоиз	5 балл
г)	таълим бериш воситалари ва шакллари мақбул равишда танлаши орқали дарс ўтиш жараёнида қўллай олса	5 балл
д)	дарс бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	дарс бериш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларининг техник, академик ва синфдан-синфга қўчириш имтиҳонлари натижалари учун:	25 балл
	86 — 100 фоиз	25 балл
	71 — 85 фоиз	20 балл
	56 — 70 фоиз	10 балл
б)	таълим олувчилар ҳисобот концертлари бир марта ўтказилган бўлса (Ўқув йили давомида)	25 балл
в)	таълим олувчиларининг кўрик-танловлар, олимпиадалар (назарий фанлар) ва турли фестивалларда эришган ютуқлари учун:	25 балл
	халқаро ва республика миқёсида	25 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	20 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	10 балл
г)	аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда услубий ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	25 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	25 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	20 балл
	муассаса миқёсида	10 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади	ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл

T/p	Баҳолаш объекти	Балл
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади	ҳар бир жавоб 20 балл гача баҳоланади
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади	ҳар бир иш 20 балл гача баҳоланади
2-боб. Иختисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	дарс таҳлиллари, жумладан педагог кадрнинг таълим жараёнидаги ижодий фаолияти: асар таҳлили ва ижроси, кўргазмалар, сахна кўринишлари учун (ҳар ўқув йилида):	25 балл
	4 та турли мураккабликдаги асарлар учун (Ўқув йили давомида)	25 балл
	3 та турли мураккабликдаги асарлар учун (Ўқув йили давомида)	20 балл
	2 та турли мураккабликдаги асарлар учун (Ўқув йили давомида)	10 балл
б)	маҳорат (очиқ) дарс машғулотлари ўтганлик учун (ҳар ўқув йилида):	25 балл
	уч марта маҳорат (очиқ) дарси ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	25 балл
	икки марта маҳорат (очиқ) дарси ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	20 балл
	бир марта маҳорат (очиқ) дарси ўтилган бўлса (Ўқув йили давомида)	10 балл
в)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (ўқувчиларнинг шахсий иш режалари ва синф журналлари асосида)	30 балл
	86 — 100 фоиз	30 балл
	71 — 85 фоиз	20 балл
	56 — 70 фоиз	10 балл
г)	таълим бериш воситалари ва шаклларини мақбул равишда танлаши орқали дарс ўтиш жараёнида қўллай олса	5 балл
д)	дарс бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	таълим бериш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларининг техник, академик ва синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари натижалари учун (якка тартибда, гуруҳ кесимида):	25 балл
	86 — 100 фоиз	25 балл
	71 — 85 фоиз	20 балл
	56 — 70 фоиз	10 балл
б)	таълим олувчилар ҳисобот концертларининг ўтказилганлиги учун:	15 балл
	бир марта ўтказилган бўлса (Ўқув йили давомида)	15 балл
в)	таълим олувчиларининг кўрик-танловлар, олимпиадалар (назарий фанлар) ва турли фестивалларда эришган ютуқлари учун:	20 балл
	соғринли ўринни олганлиги учун	20 балл
	иштирок этганлиги учун	10 балл
г)	аттестациядан ўтувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари ҳамда педагог кадрнинг ижодий фаолиятига доир танлов ва кўргазмаларда иштирок этганлиги учун:	20 балл
	соғринли ўринни олганлиги учун	20 балл
	иштирок этганлиги учун	10 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
д)	аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда услубий ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	20 балл
	<i>иштирок этган бўлса</i>	<i>20 балл</i>
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл</i>
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади</i>	<i>ҳар бир жавоб 20 балл гача баҳоланади</i>
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажаририлганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир иш 20 балл гача баҳоланади</i>
VII. Ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	дарс таҳлиллари учун (ҳар ўқув йилида):	30 балл
	<i>40 соат</i>	<i>30 балл</i>
	<i>34 — 38</i>	<i>25 балл</i>
	<i>28 — 32</i>	<i>20 балл</i>
	<i>20 — 26</i>	<i>15 балл</i>
	<i>18 соатдан кам</i>	<i>10 балл</i>
б)	очиқ дарслар ўтганлиги учун (мунтазам равишда):	30 балл
	<i>уч ўқув йилида</i>	<i>30 балл</i>
	<i>икки ўқув йилида</i>	<i>20 балл</i>
	<i>бир ўқув йилида</i>	<i>10 балл</i>
в)	ўқувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида)	20 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	<i>20 балл</i>
	<i>71 — 85 фоиз</i>	<i>15 балл</i>
	<i>56 — 70 фоиз</i>	<i>10 балл</i>
г)	таълим бериш воситалари ва шакллари мақбул равишда танлаши орқали дарс ўтиш жараёнида қўллай оlsa	5 балл
д)	дарс бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	дарс бериш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларнинг тайёргарлиги учун (ташқи ёки ички назорат иши орқали аниқландиган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича):	30 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	<i>30 балл</i>
	<i>71 — 85 фоиз</i>	<i>20 балл</i>
	<i>56 — 70 фоиз</i>	<i>10 балл</i>
б)	таълим олувчиларнинг фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	30 балл
	<i>халқаро ва республика миқёсида бўлса</i>	<i>30 балл</i>

T/p	Баҳолаш объекти	Балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида бўла</i>	20 балл
в)	Ўқув қўлланма, намунавий дастур ёзишда қатнашганлик, илмий мақолалар ва бошқа илмий ютуқлар учун:	20 балл
	<i>Ўқув қўлланмалар ва намунавий дастурлар ёзишда қатнашганлиги</i>	20 балл
	<i>Ўқув қўлланма ёзишда қатнашганлиги</i>	15 балл
	<i>илмий мақолалар ва бошқа илмий ютуқларга эришганлиги</i>	10 балл
г)	битирувчи ўқувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлиги учун:	20 балл
	<i>Ўқишга кириш даражаси 80 фоиздан ортиқ бўлганда</i>	20 балл
	<i>Ўқишга кириш даражаси 70 фоиздан 80 фоизгача бўлганда</i>	15 балл
	<i>Ўқишга кириш даражаси 60 фоиздан 70 фоизгача бўлганда</i>	10 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл</i>
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади</i>	<i>ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади</i>
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади</i>
VIII. Касб-ҳунар таълими муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорағи	жами 100 балл
а)	дарс таҳлиллари учун (ҳар ўқув йилида):	30 балл
	<i>40 соат дарс</i>	30 балл
	<i>34 — 38 соат</i>	25 балл
	<i>28 — 32 соат</i>	20 балл
	<i>20 — 26 соат</i>	15 балл
	<i>18 соатдан кам</i>	10 балл
б)	очиқ дарслар ўтганлиги учун (мунтазам равишда):	30 балл
	<i>уч ўқув йилида</i>	20 балл
	<i>икки ўқув йилида</i>	15 балл
	<i>бир ўқув йилида</i>	10 балл
в)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун:	20 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	30 балл
	<i>71 — 85 фоиз</i>	20 балл
	<i>56 — 70 фоиз</i>	10 балл
г)	таълим бериш воситалари ва шаклларини мақбул равишда танлаши оқали дарс ўтиш жараёнида қўллай олса	5 балл
д)	дарс бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлса	5 балл
е)	хорижий тиллардан бирини билса	5 балл
ж)	дарс бериш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлса	5 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларининг тайёргарлиги учун (ташқи ёки ички назорат иши орқали аниқланадиган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича):	40 балл
	86 — 100 фоиз	40 балл
	71 — 85 фоиз	30 балл
	56 — 70 фоиз	20 балл
б)	таълим олувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	30 балл
	халқаро ва республика миқёсида	30 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида	25 балл
	туман (шаҳар) миқёсида	20 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг турли касбий кўрик-танловлар ва мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	30 балл
	халқаро ва республика миқёсида	30 балл
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида бўлса	25 балл
	туман (шаҳар) миқёсида бўлса	20 балл
3.	Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагог кадрлари учун)	
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади	ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ёзма иш 5 та топириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга ҳар бир жавобдан келиб чиқиб баҳоланади	ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	ижодий иш 5 та ижодий топириқдан иборат бўлади, ҳар бир топириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади	ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

705 Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2119-1*

Ўзбекистон Республикаси «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5706-сон «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4276-сон «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2010 йил 12 июндаги 66-сон буйруғи (рўйхат рақами 2119-сон, 2010 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 236-модда) билан тасдиқланган Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в. б.

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 август,
440-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил
30 августдаги 440-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан
ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва унинг қуйи тизимлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги таълим ва ўқув муассасаларининг шахсий таркиблари;».
2. 9-банддаги «ёнғин ўчириш қисмлари» деган сўзлар «ёнғин-қутқарув қисмлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 12-банддаги «давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қутқарув бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«14. Ёнғин жойига борилаётганда ёнғин ўчириш экипажи командири Навбатчи диспетчерлар хизмати (бундан кейинги ўринларда НДХ деб юритилади) ёки қисм тезкор бошқарув гуруҳи диспетчерлик хизмати (бундан кейинги ўринларда ҚТБГ деб юритилади) билан мунтазам алоқада бўлиши шарт.».
5. 16 ва 21-бандлардаги «МДХ» ҳамда «ҚДХга» қисқартмалари тегишлича «НДХ» ҳамда «ҚТБГга» қисқартмалари билан алмаштирилсин.
6. 29-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
7. 84-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ёнғин ўчириш штабининг» деган сўзлар «Тезкор бошқарув хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
8. 94-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «МДХ» қисқартмаси «НДХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.
9. 98-банддаги «МДХ» ва «ҚДХ» қисқартмалари тегишлича «НДХ» ва «ҚТБГ» қисқартмалари билан алмаштирилсин.
10. 102-банддаги «Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**706 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 12 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буйраман:

1. «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1955, 2009 йил 12 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 05/01-18-02-32/3458-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 48, 71, 5-сон «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1955, 2009 йил 12 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 сентябрь,
403-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**707 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1149-8*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 13 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1149, 2002 йил 12 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 05/01-18-02-32/3458-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2002 йил 25 майдаги 66, 218-В-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1149, 2002 йил 12 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 28 ноябрдаги 128, 218-В-1-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1149-1, 2004 йил 20 февраль);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 11 ноябрдаги 122, 218-В-2-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1149-2, 2004 йил 19 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 8 июндаги 52, 218-В-3-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1149-3, 2005 йил 6 июль);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 15 августдаги 75, 218-В-4-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1149-4, 2005 йил 8 сентябрь);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 2 мартдаги 25, 218-В-5-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1149-5, 2006 йил 3 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 7 июндаги 66, 218-В-6-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жам-

фармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1149-6, 2007 йил 27 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бош қарувининг 2009 йил 10 сентябрдаги 87, 23/13-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1149-7, 2009 йил 23 сентябрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 сентябрь,
404-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**708 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1462-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 12 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
бўйраман:

1. «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1462, 2005 йил 28 март) ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим марказига киритилган 2017 йил 26 декабрдаги 1-6/37-1493/8-сон тақдимноманинг талаблари бажарилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 05/ҚҚ, 01-77, 01/1185-сон «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1462, 2005 йил 28 март) Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 сентябрь,
405-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**709 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1722-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 12 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **бюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1722, 2007 йил 27 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 05/01-18-02-32/3458-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 30 августдаги 80-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисоби-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

дан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1722, 2007 йил 27 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 сентябрь,
406-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**710 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2393-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 16 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буюраман:

1. «Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2393, 2012 йил 24 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2019 йил 29 августдаги 03-31-8631-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 23 августдаги ЭГ-01/15-4108, 59, СГ-5-1/6-38-сон «Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2393, 2012 йил 24 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
408-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

711 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг
25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматдаги
тангалари ва банкнотларини муомаладан қайтариб олиш тар-
тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3183*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мар-
казий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 25 сўмлик ва ундан
кичик номинал қийматдаги тангалари ва банкнотларини муомаладан қайта-
риб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 август,
18/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
10 августдаги 18/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 25 сўмлик
ва ундан кичик номинал қийматдаги тангалари ва
банкнотларини муомаладан қайтариб олиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республи-
касининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Рес-
публикаси Марказий банкнинг (бундан буён матнда Марказий банк деб

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 сен-
тябрда эълон қилинган.

юритилади) 25 сўмлик ва ундан кичик номиналдаги тангалари ва банкнотларини муомаладан қайтариб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

эски намунадаги тангалар — Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 1994 йил намунасидаги 1 тийинлик, 3 тийинлик, 5 тийинлик, 10 тийинлик, 20 тийинлик, 50 тийинлик, 1997 йил намунасидаги 1 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 1999 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик, 25 сўмлик, 2000 йил намунасидаги 1 сўмлик, 10 сўмлик, 2001 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик номинал қийматдаги тангалар;

эски намунадаги банкнотлар — Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 1994 йил намунасидаги 1 сўмлик, 3 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 25 сўмлик номинал қийматдаги банкнотлар.

2. Эски намунадаги тангалар ва банкнотлар 2020 йил 1 мартдан бошлаб қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотади.

Муомаладан қайтариб олинган эски намунадаги тангалар ва банкнотларнинг айирбошлаш муддати 2021 йил 1 январгача белгиланади.

2-боб. Эски намунадаги тангалар ва банкнотларни муомаладан қайтариб олиш

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари (бундан буён матнда МБББ деб юритилади) Ҳисоб-китоб касса марказлари, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари миждозлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги тангалар ва банкнотларни 2020 йил 1 мартга қадар алмаштириб беради.

4. 2020 йил 1 мартдан бошлаб (2020 йил 1 мартдан — 2021 йил 1 январга қадар) қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар фақат МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан алмаштириб берилади.

5. Тижорат банклари ва уларнинг филиалларида эски намунадаги тангалар ва банкнотларни санаб-саралаш, қимматликларни ташиш ишлари Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари, тижорат банклари ва уларнинг филиалларида мавжуд бўлган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар қуйидагича шакллантирилади:

Марказий банкнинг 1994 йил намунасидаги 1 тийинлик, 3 тийинлик, 5 тийинлик, 10 тийинлик, 20 тийинлик, 50 тийинлик тангалари, алоҳида, ҳар бирида 100 дондан солинган қопларда;

Марказий банкнинг 1997 йил намунасидаги 1 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик,

1999 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик, 25 сўмлик, 2000 йил намунасидаги 1 сўмлик, 10 сўмлик, 2001 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик тангалари, алоҳида, ҳар бирида 1000 дондан солинган қопларда;

Марказий банкнинг 1994 йил намунасидаги 1 сўмлик, 3 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 25 сўмлик банкнотлари қийматига қараб 100 дондан дасталаб, 10 та дастадан иборат бўлган боғламларда шакллантирилади.

7. Қиймати ва тоифалари бўйича тўлиқ шакллантирилган тангали қоплар ва тўлиқ боғламдаги банкнотлар тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан инкассация хизмати орқали Ҳисоб-китоб касса марказларига жўнатилади.

8. Эски намунадаги тангалар ва банкнотлар тўлов воситаси бўлиб ҳисобланиши бўйича белгиланган муддат тугаганидан сўнг тижорат банклари ва уларнинг филиалларида тўлиқ бўлмаган ҳолда шакллантирилган боғламлар ҳам МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларига жўнатилиши лозим.

9. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказига тижорат банклари ва уларнинг филиалларидан олиб келинган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар тўлиқ қайта саналади.

Қайта санаш жараёнида аниқланган камомад ва ортиқча қўйилмалар бўйича далолатнома тузилади ва расмийлаштирилади.

МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларида эски намунадаги тангалар ва банкнотлар қиймати бўйича алоҳида дасталаниб ҳамда тўлиқ боғламлар шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг инкассация хизмати орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига олиб келиб топширилади.

10. Эски намунадаги тангалар ва банкнотларнинг айирбошлаш муддати тугаганидан сўнг 1 ой муддат ичида МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларидаги барча эски намунадаги танга ва банкнотлар Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига юборилиши шарт.

3-боб. Банклар томонидан қабул қилинган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

11. Белгиланган муддатга қадар МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари 2021 йил 1 январгача, барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари 2020 йил 1 мартгача миқдорлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги тангалар ва банкнотларни ҳеч қандай монеликсиз, чекловларсиз қабул қилишлари ва ҳеч қандай тўлов ёки воситачилик ҳақи ундирилмаган ҳолда улар бўйича ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

12. Марказий банкнинг эски намунадаги тангалари ва банкнотлари бўйича ҳисоб-китоблар миқдорлар ва аҳолининг талабига асосан:

банк пластик картаси ҳисобварақларига кириш қилиниш орқали (тўлиқ қийматда);

муомаладаги танга ва банкнотларга айирбошлаб бериш орқали;

мижозларнинг тегишли ҳисобварақларига, фуқароларнинг аризасига асосан омонатга кирим қилиш орқали;

коммунал ва бошқа бир марталик тўловлар учун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

13. Эски намунадаги тангалар ва банкнотлар нақд кўринишда айирбошлаб берилганда эски намунадаги тангалар ва банкнотлар миқдорининг 1 тийиндан 49 сўм 99 тийингача бўлган қисми, нақд пулдаги тўловлар учун энг кичик қийматдаги пул белгиси 2018 йил намунасидаги 50 сўмлик танга бўлиб қолаётганлиги боис, яхлитланган ҳолда айирбошланади. Бунда:

1 тийиндан 24 сўм 99 тийингача бўлган тангалар ва банкнотлар қиймати 0 сўмга тенглаштирилган ҳолда;

25 сўмдан 49 сўм 99 тийингача бўлган тангалар ва банкнотлар қиймати 50 сўмга тенглаштирилган ҳолда яхлитланади.

(Мисол учун: $257 (257 - 250 = 7 = 0) = 250$ сўм, $474 (474 - 450 = 24 = 0) = 450$ сўм, $376 (376 - 350 = 26 = 50) = 400$ сўм, $586 (586 - 550 = 36 = 50) = 600$ сўм)

Эски намунадаги тангалар ва банкнотларнинг яхлитланадиган қисми бўйича норози бўлган мижозлар ва аҳоли ушбу миқдорни банк пластик картасига, тегишли ҳисобварақларига ёки тўловларга (коммунал ва бошқа) ўтказишлари мумкин.

14. Эски намунадаги тангалар ва банкнотларни айирбошлаш натижасида вужудга келадиган фарқлар банкнинг бошқа активлари ёки мажбуриятларининг алоҳида ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

4-боб. Якуний қоидалар

15. МБББ эски намунадаги тангалар ва банкнотларни айирбошлаб бериш учун ҳудудлардаги тижорат банклари ва уларнинг филиалларини етарли миқдордаги муомаладаги тангалар ёки банкнотлар билан таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

16. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**712 Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнат-
ни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 203-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2180, 2011 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирнинг биринчи
ўринбосари**

Э. МУХИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 сентябрь,
37-2019-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2019 йил 4 сентябрдаги
37-2019-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни
муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

4. 31-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 32-банддаги «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республика-

си вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон)» деган сўзлар «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 132 ва 133-бандлардаги «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекциясининг минтақавий инспекциялари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

713 «Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3136-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 2018-79-сон «Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3136, 2019 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 6-сон, 112-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 сентябрь,
2019-53-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**714 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2586-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 17 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг маслаҳат марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2586, 2014 йил 21 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 11 сентябрдаги 84-04-1683-сон, 84-02-6487-сон, 03-01/7-939-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 23 апрелдаги 31/ҚҚ-сон, 08/ҚҚ-сон ва 28-сон «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг маслаҳат марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2586, 2014 йил 21 май) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 сентябрь,
413-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

715 Божхона назорати зоналарини ташкил этиш тартиби,
шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучи
ини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 470-4*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1007-сон қарори-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 сентябрь,
01-02/12-51-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
11 сентябрдаги 01-02/12-51-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 31 июлда тасдиқланган Божхона назорати ҳудудини ташкил этиш тартиби (рўйхат рақами 470, 1998 йил 8 август).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 20 августдаги 01-02/12-24-сон «Божхона назорати ҳудудини ташкил этиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 470-1, 2007 йил 6 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 374-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 25 январдаги 01-02/12-7-сон «Божхона назорати ҳудудини ташкил этиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 470-2, 2013 йил 12 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 7-сон, 90-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 19 майдаги 01-02/12-22-сон «Божхона назорати ҳудудини ташкил этиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 470-3, 2015 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 293-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

716 **Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-2

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 майдаги 19/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1967, 2009 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 280-модда) билан тасдиқланган Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Вазирнинг
биринчи ўринбосари**

Э. МУХИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 сентябрь,
39-2019-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2019 йил 10 сентябрдаги
39-2019-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар
ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда)» деган сўзлар «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 441-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сон «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»

4. 37-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРОРИ

717 Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар органлари ва тузилмалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3184

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5706-сон «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони талаблари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПК-4276-сон «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар органлари ва тузилмалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Фавқулодда вазиятлар вазири
вазифасини бажарувчи**

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 август,
12 ққ-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 август,
70-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва
Молия вазирлигининг 2019 йил 31 августдаги
12 кк, 70-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар
органлари ва тузилмалари томонидан юридик ва жисмоний
шахсларга кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Хизматларнинг номи
1.	Ёнғин хавфсизлиги чораларини қўллаш, ўзини тутиш қоидалари ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишнинг асосий усулларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини, жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш.
2.	Полиграфия маҳсулотларини (ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари, журналлар ва бошқа босма маҳсулотлар), фавқулодда вазиятлар ва ёнғиндан ҳимоя қилиш бўйича материалларни, ўқув фильмларни сотиш.
3.	Сув ҳавзаларида, чўмилувчиларнинг оммавий тўпланиш жойларида (пляжларда, ҳовузларда ва бошқаларда) қутқарувчи ғаввосларнинг навбатчилик ўташи*.
4.	Сув остида техник, кема қўтариш ишларини, чўкиб кетган предметларни қидириш бўйича ишларни, сув объектлари қуйи қисмини тозалаш ва ғаввослик ишларининг бошқа турларини бажариш.
5.	Белгиланган тартибда хизмат итларининг кучукларини сотиш.
6.	Итларни вақтинча парваришлаш (итлар учун меҳмонхона).
7.	Баландликдаги ишларни бажариш (панеллараро чокларни герметизациялаш, турли хил иншоотларни монтаж ва демонтаж қилиш, баландликда ойналарни ювиш, фасадларни тозалаш ва таъмирлаш, дарахтларни олиб ташлаш ва кесиш ва бошқалар).
8.	Шахсий ҳимоя воситаларини текшириш ва синовдан ўтказиш, радиацион разведка ўтказишга мўлжалланган асбобларни қиёслаш ва калибровка қилиш.
9.	Ўзбекистон Республикаси аҳолисига реклама ва маркетинг ахборотларини узатиш учун автоматлаштирилган огоҳлантириш ва ахборот бериш тизимидан фойдаланиш.
10.	Ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун ёнғин хавфсизлиги соҳасида маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш.
11.	Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги ва сув объектларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш.
12.	Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ёнғин хавфсизлиги ва сув объектларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тадқиқотлар, илмий-техник консультация ва экспертиза ўтказиш.
13.	Моддалар, материаллар, буюмлар, конструкцияларни ва ускуналарнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича синовларини ўтказиш.
14.	Қурилиш конструкцияларининг катта ўлчамли қисмларини ва уларнинг элементларини ёнғинга чидамлилиги ва ёнғин хавфсизлигини синовдан ўтказиш.

Т/р	Хизматларнинг номи
15.	Ёнғинга қарши ҳимоя техник воситалари, ёнғин автоматикаси ва фавқулодда вазиятларни аниқлаш ва тугатишнинг бошқа техник воситалари ишлаб чиқариш ва сотиш.
16.	Ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш.
17.	Ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситаларини ишчи ҳолатини текшириш.
18.	Ёнғинга қарши аслаҳа-анжомларни, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, оловни ўчириш моддаларининг сифатини тиклаш.
19.	Ташкилотлар, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларни ёнғинлардан ҳимоя қилиш**.
20.	Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эвакуация режаларини, йўриқномаларни, паспортларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш (ўзгартириш ва қўшимчалар кири тиш).
21.	Ҳисоблашни бажариш: хоналар ва бинолардан одамларни эвакуация қилиш вақти, шунингдек ёнғиннинг энг кўп йўл қўйиладиган даражага етиш шароитидаги давомийлиги; портлаш-ёнғин ва ёнғин хавфсизлиги бўйича хоналар, бинолар ва ташқи қурилмалар тоифалари; келтирилган металлнинг қалинлиги ва металл конструкцияларнинг ёнғинга чидамлилиги чегаралари; бинолар орасидаги минимал йўл қўйиладиган масофа (иссиқлик оқимининг критик зичлигини аниқлаш); турли мақсаддаги бино хоналарида ёнғин бўлиши эҳтимолида ҳарорат режими ва иссиқлик юкламаси; ёнғинларнинг олдини олиш ва ўчиришни амалга оширувчи бўлинмаларнинг ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган кучлар ва воситалар миқдори.
22.	Сунъий сув ҳавзалари, ертўлалар ва ёнига бориб бўлмайдиган жойлардан сувларни чиқариб олиш (тўлдириш).
23.	Мўриларни тозалаш.
24.	Авто йўлларнинг қулашига олиб келиши хавфи бор бўлган ёнбағирларидаги тош жинсларини тушириш.
25.	99951 ҳарбий қисм томонидан пудрат (муҳандислик-қурилиш) ишларини бажариш.
26.	Автоном дизель генераторларидан фойдаланиш.
27.	Йўловчилар ва юкларни ташиш***.
28.	Муҳандислик ва бошқа техникалардан (автокран, бульдозер, экскаватор, эвакуатор ва бошқалар) фойдаланган ҳолда ишларни бажариш
29.	Томоша, спорт ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда кучлар ва воситаларнинг навбатчилиги.
30.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг музейларида кўриш ва мавзули экскурсияларни ўтказиш.
31.	Ёрдамчи хўжалик маҳсулотларини сотиш****.
32.	Кичик кемалар ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малякасини ошириш.

Изоҳ:

Мазкур Рўйхатда кўрсатилган пуллик хизматлар фавқулодда вазиятларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда жисмоний

ва юридик шахсларнинг ихтиёрий мурожаатлари (пуллик хизмат кўрсатиши ҳақида) асосида кўрсатилади.

* Қонун ҳужжатларига мувофиқ Бюджет ташкилотининг ривожлантириши жамғармаси маблағлари билан таъминланадиган қўшимча ходимлар (қутқарувчилар) ҳисобига юритилиши мумкин.

** Шартнома асосида таъминланадиган ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

*** Қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, фаолиятни амалга ошириши учун тегишли лицензия мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

**** Ёрдамчи хўжаликда барча турдаги гўшт ва сут, қорамол, от, чўчқа, қуёнлар, қушлар ва асалари боқили, шунингдек иссиқхоналар, мевали боғлар ва балиқ кўпайтириши учун ҳовузлар юритишга рухсат этилади. Кўкат, сабзавот, дон, қуруқ ҳамда сархил ем-хашак етилиши бириктирилган ерларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 14 сентябрдан 20 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 10-мх, 8 қ/қ, 41 қ/қ, 5-2019, 32, 25 қ/қ, 35-2019-қ/қ-сон «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3182.

2. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 30 августдаги 440-сон «Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2119-1.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 403-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955-1.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 404-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1149-8.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 405-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1462-2.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 406-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1722-1.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 17 сентябрдаги 408-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2393-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматдаги тангалари ва банкнотларини муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3183.

9. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 4 сентябрдаги 37-2019-Б-сон «Психиатрия касалхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2180-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 10 сентябрдаги 2019-53-сон «Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3136-1.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 18 сентябрдаги 413-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2586-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 11 сентябрдаги 01-02/12-51-сон «Божхона назорати зоналарини ташкил этиш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 470-4.

13. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 сентябрдаги 39-2019-Б-сон «Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-2.

14. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 31 августдаги 12 ққ, 70-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар органлари ва тузилмалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3184.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2849, 2016 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 401-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1955, 2009 йил 12 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 403-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банкининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1149, 2002 йил 12 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1149-1, 2004 йил 20 февраль), (рўйхат рақами 1149-2, 2004 йил 19 ноябрь), (рўйхат рақами 1149-3, 2005 йил 6 июль), (рўйхат рақами 1149-4, 2005 йил 8 сентябрь), (рўйхат рақами 1149-5, 2006 йил

3 апрель), (рўйхат рақами 1149-6, 2007 йил 27 июнь), (рўйхат рақами 1149-7, 2009 йил 23 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 404-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1462, 2005 йил 28 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 405-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли мақсадли ссудаларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1722, 2007 йил 27 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 сентябрдаги 406-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг «Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2393, 2012 йил 24 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 17 сентябрдаги 408-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3136, 2019 йил 5 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 18 сентябрдаги 411-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлигининг «Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг маслаҳат марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2586, 2014 йил 21 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 18 сентябрдаги 413-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Божхона назорати зоналарини ташкил этиш тартиби (рўйхат рақами 470, 1998 йил 8 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 470-1, 2007 йил 6 сентябрь), (рўйхат рақами 470-2, 2013 йил 12 февраль), (рўйхат рақами 470-3, 2015 йил 1 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 20 сентябрдаги 414-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

